



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
15-oktyabr
chorshanba
№ 40 (1466)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ИСЛОҲОТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган йиғилишда маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари матбуот хизмати маълумотида кўра, кейинги йилларда маҳалла институтини ислох қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга келди.

Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Улар бошчилигида “еттилик” вертикал тизими яратилди, етарли шароит, ресурс ва ваколатлар берилди. Маҳалладаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банкир ва солиқчилар боғлаб берилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари булардан самарали фойдаланиб, натижа кўрсатаётган маҳаллалар кўпчилиги, лекин айримлари ягона жамоа бўлиб ишлаб кетишни ҳалигача ўрганмаганини кўрсатиб ўтди.

— Норин туманидаги Шўриарқ маҳалласига борганим вилоят ҳокимлари, республика, вилоят, туман раҳбарлари, “еттилик”нинг кўзини очиб, уларни сифат ва компетенцияни оширишга ундаши керак, — деди Президент.

Ўтган ҳафта имзоланган қарорга мувофиқ, Янги Ўзбекистон руҳи кириб бориши



керак бўлган 33 та туман ва 330 та оғир маҳалла белгилаб олинди.

Бу туманларнинг ҳар бирига 100 миллиард сўмдан, 330 та маҳалланинг ҳар бирига эса 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Жаҳон банки ва Исроом тараққиёт банкидан жалб қилинган 100 миллион доллар ҳам мажбур мақсадларга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу туман ва маҳаллалардаги “драйвер” лойиҳалар инфратузилмаси учун яна 2 триллион сўм берилади.

Умуман, бу дастурни молиялаштириш учун 7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Вилоят ҳокимларининг ўзи ҳам 2 тадан, туман ҳокимлари эса 1 тадан оғир маҳаллани белгилаб, уларга 5 миллиард сўмдан йўналтириши, яна 236 та маҳалла аҳолиси турмушида кескин ўзгариш қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилади.

Бир ой олдин “Ташаббусли бюджет” бўйича янги қарор қабул қилиниб, маҳаллада одам-

ларнинг ўзи фаол бўлиб бошлаган лойиҳаларга кўмак берадиган тизим жорий қилинди. Бунда қайси маҳаллада аҳоли йўл, сув, мактаб, боғчани таъмирлашни бошлаган бўлса, харажатининг ярмини давлат кўтаради. Бу мақсадлар учун келгуси йилда яна 1 мингта лойиҳага 500 миллиард сўм ажратилади.

Президентимиз бу борада яна бир янгиликни эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқларини тўланганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади.

Бунда 100 таликка кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади.

Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади.

2-6

АНЖУМАН

ТИНЧЛИК ФОРУМИ НЕГА ФАРҒОНАДА ЎТКАЗИЛЯПТИ?

Дунёда қанчалар оғир геосиёсий вазият юзга келмасин, Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустақкам ҳамкорлик ишлари олиб боришмоқда. Бу давлатларнинг ишонч таъминлари асосланган ўзаро манфаатли сийосатини йўлга қўйиш ва барқарор ривожланиш учун шароит яратадиган яхши қўшничилик натижасидир.

Шу нуқтаи назардан Фарғона водийсида умумий қўшничилик майдони бўлган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам ҳамкорликни фол ривожлантиришда ва ўзаро алоқанинг янги механизмларини шакллантиришда.

Фарғона водийси тарихан давлатлар умумий заҳиралардан фойдаланадиган ягона макон бўлиб келган. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида чегара муаммолари юзга чиқди. Натижада миллатлараро можароларга сабаб бўлди. Бундан ташқари, яқинлашиб келаётган сув инқирози, кўплаб этно-худудий анклавларнинг мавжудлиги, водийнинг 16,5 миллиондан ортиқ аҳоли зич жойлашган минтақа эканлиги хавотирни янада кучайтирди. Ушбу омилларнинг уйғунлиги бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва ривожланиши учун хавф ҳамда таҳдидларни келтириб чиқарди.

Аммо бугун давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли минтақада ишонч ва ўзаро тушуниш билан тавсифланган янги сиёсий иқлим яратилди. Худудий қарама-қаршиликлар, сув ресурсларини тақсимлаш муаммолари, дўстлик ва ҳамкорлик руҳидаги ҳаёт тарзи қарор топди.

2025 йил 31 март кўни Хўжандда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги шартнома имзоланиши тарихий воқеа бўлди ва бу қадриятларни мустақкамлади.



Бу эса халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги таъсирчан куч эканини намоён қилди. Улкан иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, логистика, саноат соҳаларида ва туризмда бутун минтақани янада ривожлантириш учун мутлақо қулай имкониятлар очди.

Қолаверса, халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш, жумладан, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлининг барпо этилаётгани Фарғона водийси муҳим транзит маркази макomini касб этишидан дарақ бермоқда.

Фарғона водийси Марказий Осиёнинг унумдор минтақаси сифатида танилган бўлиб, унда мавжуд қишлоқ хўжалиги салоҳиятини тўлиқ очиб бериш учун имкониятлар мавжуд, қўшма агросаноат кластерларини яратиш талаб этилади.

Нефть, газ, кўмир, темир, мис ва бошқа фойдали қазилмалар заҳиралари туфайли Фарғона водийсининг саноат-иқтисодий имкониятлари ҳамон жозибабали бўлиб қолмоқда.

Фарғона биринчи тинчлик форуми шу жиҳатлари билан ҳам заруратга айланди. Шунинг учун унинг ишида қирққа яқин давлат сиёсатчилари ва экспертлари иштирок этмоқда.

2-6

ТААССУФ

ЮНЕСКО ВАКИЛИНИ ЎКСИТГАН

ХАРОБ МАДРАСА

Тошкентимизнинг таниқли донишманди Ҳофиз Кўҳакий (у зот Ҳофиз Кўйкий, Ҳофиз Тошкандий номлари билан ҳам эъзозланганлар) таърифида машҳур муаррихлардан ўтказиб сўз айтолмаслигимизни билганимиз учун уларнинг таърифларини келтирамиз. Ҳинд тарихчиси Абдулқодир Мулуқшоҳ Бадавоний ун олтинчи асрдаёқ ёзган: “Ҳофиз Кўҳакий зўр донишманд бўлиб, айниқса, араб тили ва адабиётини яхши билган. Мавлоно Асомидиннинг шоғирди бўлиб, ўз даврининг ҳамма илмларидан яхши баҳраманд бўлган олимдир. Ўз даврида Мовароуннахрда яшаган олимлар унинг бузурглигини тан олган эдилар”.

Тошкент тарихининг зукко билимдонларидан бири бўлган Муҳаммад Солих Раҳим Қорахўжа ўғли 1888 йили ёзиб туғаллаган “Тарихи ҳақиди Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) китобида унинг таърифида шундай сўзларни битган: “Мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий илмларда зўр олим бўлган. Бахс ва жадал илминини қондаларини аъло даражада етказган. Ҳофиз Кўҳакий Тошкент аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннахр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда кенг шухрат қозongan олимдир”.

Ҳофиз Кўҳакий олимлар, зиёлиларга эмас, султонлар ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатганлар. Фикримизни Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги 1528 йили Аграда бўлган тўй воқеаларига бағишланган қуйдаги сўзлар тасдиқлайди: “Улуғ ош тортилган кейин... Ҳофиз бошлиқ бил келганларга чакмонлар кийдирулди... Ҳофиз Тошкандий ва Мулла Фаррух бошлиқ Хожанинг мулозимларига... олтундин, қумушдин таркаш биле инъомлар бўлди” (Заҳриддин Му-

ҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Т.: Юлдузча, 1989. 323-324-бетлар).

Юқорида зикр этилган ҳинд тарихчиси Абдулқодир Мулуқшоҳ Бадавоний ўзининг “Мунтахаб атакворих” (“Сайланган тарихлар”) китобида Ҳофиз Кўҳакий 1569 йили иккинчи марта Ҳиндистонда бўлгани тўғрисида ёзган. Уни Бобур Мирзонинг набираси Акбаршоҳ Деҳлидан бир кунлик йўлга чиқиб кутиб олган ва бобом билан суҳбат қурган тавбаруқ зот дея иззат-қиром кўрсатган, совғалар тортиқ қилган. Уша китобда ёзилишича, Ҳофиз Кўҳакий Ҳиндистондан Маккага, кейин Туркияга борган. Уни турк султони ҳам тантана билан кутиб олган ва вазиралик лавозимига таклиф қилган. Лекин у таклифни рад этиб, Тошканд сари йўлга тушган. Ҳаёт ҳақиқатлари бадий адабиётда ифодасини топади. Паркентда вояга етган сеvimли ёзувчимиз Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида Ҳофиз Кўйкийнинг Ҳиндистонга боргани, Бобур Мирзо билан учрашиб суҳбат қургани ва унга хаттот шоғирди кўчирган Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобини тухфа этгани, Бобур Мирзо китобни варақлаб бир муддат мутлолаа қилгани ва улар ўртасидаги суҳбат қуйидагича ифодаланган:

— Алишербек беназир зот эрди, — деди Бобур китобдан бош кўтариб. Қийқ кўзларида ҳорғин қуёвон учқунлари чакнар эди. — Ҳар сафар ҳайрат қиламанки, туркий тилда ҳеч ким ашъорни ул Ҳазратдек қўл ва ҳў айтқон эмас.

— Яхши китоб — киши руҳининг жон озиғи, — деди Ҳофиз Кўйкий уни қуеватлаб.

— Ҳар қандай кишининг эмас, — дея бирдан эътироз билдирди Бобур.

— Албатта, олампазод. Лекин яхши китобни ўқиган кишига ҳам яхшилик шарофати юкмоғи шубҳасиздир.

2-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МАКТАБ ЯРАТГАН ИЖОДКОР

Оқдарё туманидаги 51-умумтаълим мактабида марҳум ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов хотирасига бағишланган “Умид билан яшагин” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, вилоят ҳамда Оқдарё тумани ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кечада Сафар Остоновнинг ҳамкасблари, дўстлари, шоғирдлари, фарзандлари ва яқинлари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Акрам Ҳайдаров олиб борди.

1948 йилда Ургут туманининг тоғли Севасзой қишлоғида туғилган Сафар Остоновнинг ота-онаси тақдир тақозоси билан Оқдарё тумани Олчинтепа қишлоғига кўчиб келади. Ёш Сафар шу қишлоқдаги 51-мактабда таҳсил олади ва етуқлик аттестатини олган, Тошкент давлат университетига ўқишга кириди. Тадбир аввалида иштирокчилар Сафар Остоновнинг ўзи ўқиган ушбу мактабда ташкил этилган “Хотира бурчаги” ва ундаги газеталар, суратлар, ижодкор фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан танишди.

— Сафар ака умрининг эллик беш йилини журналистикага бағишлади, ҳаётининг сўнгги нафасига қадар ҳам қўлидан қозғоқ-қалам тушмади, — деди ижодкорнинг шоғирдларидан бири Фармон Тошев. — У кишини 1970 йилларнинг ўрталарида республика ёшлар газетасида ишлаган вақтдан буюн билар эдим. Кейинчалик “Спорт”, “Ўзбекистон футболни”, сўнгра “Ўзбекистон овози” ва “Голос Ўзбекистана” газеталарида бош муҳаррир лавозимида ишлаган пайтларида ҳамisha ҳамроҳ, ҳамфикр бўлганмиз. Сафар ака халқнинг кўнглидагини ёза оладиган, дардини тез илғаб оладиган маҳоратли журналист эди.

3-6

ШУНДАЙ ДЕДИ



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

“Адабиёт ўқитувчиси нега ўқимаяпти?”

“Шарқ юлдузи”нинг ҳозир неча нусхадалиги, адади қанчалигини айтса, одам уялиб кетади... Менинг битта саволим бор мана шу ўринда. Касби адабиётчи бўлган, адабиётни ўқитаётган одам (ўқитувчи) нега “Шарқ юлдузи”га обуна бўлмаслиги, ўқимаслиги керак экан? “Шарқ юлдузи” бугунги адабиётимизда рўй бераётган жараёни ўзида акс эттирадиган муҳим манба-ку! Ундан биринчи навбатда ҳар бир ўқитувчи хабардор бўлиши керак. Нечта адабиёт ўқитувчимиз бор? Нега бу журналнинг сони 5 минг-6 мингдан ошмаяпти? Шунча ўқитувчи нега олмайди? Нега ўқимайди? Агарда ҳақиқий ўқитувчи бўлса, касбига меҳр қўйган одам бўлса, обуна учун пулни аямас эди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ

1-6. Қонунчилик палатаси депутатларига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бирига 3 миллиард сўмдан маблағ берилади.

Маҳалла ҳудудида санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилади. Маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллиард сўмдан ажратилади.

Умуман, ишбу манбалар ҳисобидан келгуси бир йил учун 2 мингта маҳаллага қўшимча 8,5 триллион сўм маблағ берилади.

Туман ҳокимлари ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиши, “маҳалла еттилиги” билан янги ёндашувлар асосида ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Масалан, Нориндаги Шўраиқ маҳалласи атрофидаги яна 6 та маҳаллага хизмат кўрсатадиган марказга айланмоқда. Бундан руҳланиб, ўнлаб тадбиркорлар турли лойиҳаларни илгари сурди. Ушбу маҳаллаларга архитектор ва урбанист жалб қилингани натижада 7 та маҳалла қиёфасини бутунлай ўзгартириш учун имконият пайдо бўляпти.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига Ислохотлар штаби билан бирга биринчи босқичда 33 та туман ва 330 та маҳаллада ишларни ана шундай ёндашув асосида йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Барча маҳаллада ихтисослашувни охирига етказиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бунда маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб ва уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, аниқ ихтисослигини белгилаш, камида 200 минг

аҳолини банд қиладиган микролойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Маҳаллаларга 2 минг квадрат метргача бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилган. Эндиликда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкани аукционга чиқариши мумкин бўлади. Сотувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади.

Шу билан бирга, маҳалла биноларини замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилади.

Жумладан, шаҳар ва вилоят марказида тадбиркорлар томонидан қурилиб, пастки қаватида “маҳалла еттилиги” жойлашадиган бинолар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда эса бу имтиёзлар 7 йил бўлади. Бино эгаси бўлган тадбиркорлар ушбу муддат давомида фойда ва айланмадан солиқни 50 фоиз пасайтирилган ставкада тўлайди.

Йиғилишда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси бўйича ечим топилиши керак бўлган бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, оилалар ажримлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва болаларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчани — ҳокимлар, “маҳалла еттилиги”, нурунийлар, бутун жамоатчилиқни қаттиқ ташвишга солиши кераклиги қайд этилди.

Оила қуриш бу — нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунтириш, ажримларда тарафлар, айниқса, фарзандлар оғир моддий аҳволга тушишининг олдини

олиш учун никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Айрим маҳаллалар, кўчалар, қурилишлар атрофи, ариқлар, хиебонларда озодалик талабларига риоя этилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан бутун республикада тозалик ва озодалик ойлиги эълон қилиниши белгиланиб, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига, ободонлаштиришга масъул ҳоким ўринбосарларига тегишли топшириқлар берилди.

Эндиликда “еттилик”, маҳалла аҳолиси яшил ҳудуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб бериши белгиланди. Ҳокимлар ва “еттилик” бунинг устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилиши, бу ерлар бошқа мақсадларга бериладиган бўлса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлиши ҳақида огоҳлантирилди.

Мутасаддиларга “еттилик” фаолиятини комплекс баҳолайдиган тизимни ишга тушириш топширилди.

Туман ҳокимлари йил якунига кўра яхши ишлаган 10 та “еттилик”нинг барчасини мукофотлаш, уларга қўшимча устамалар беришни йўлга қўяди. Бундан буён “еттилик” ходимлари билан ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида йиғилиш ўтказиш таққиланиши белгиланди.

— Ислохотларимизнинг остонаси бўлган ҳар бир маҳаллага Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, энг аввало, “маҳалла еттилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлашига бевосита боғлиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, маҳалла раислари билан мулоқот қилинди.

“Дунё” АА.

ТИНЧЛИК ФОРУМИ НЕГА ФАРФОНАДА ЎТКАЗИЛЯПТИ?

1-6.

Унинг шиори эса:

— Ишонч, мулоқот ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши;

— Фарғона водийсини ҳар томонлама иқтисодий ривожлантириш учун ички салоҳиятни сафарбар қилиш, таъши ресурслар ва инвестицияларни жалб қилиш;

— Фарғона водийсининг ишонч, мулоқот ва миллатлараро тотувлик ҳудуди сифатида халқаро қиёфасини шакллантириш.

Фарғонадаги тинчлик форумидан асосий мақсад ягона иқтисодий марказни ташкил этиш ва водийга туташ 3 та қўшни мамлакат вилоятлари, халқлари ўртасида янада барқарор тотувликни таъминлаш масаласи асосий ўрин тутди. Бу албатта, яқин қўшнларнинг ўзаро мулоқоти, самимий муносабатлари орқали янада ривожланади. Шу муносабат билан “Фарғона ҳақиқати” газетаси Тожикистон ва Қирғизистон Республикаси вилоятлари бош наслари билан яқин ижодий алоқаларни ўрнатган. Жумладан, Тожикистон Республикасининг Суғд вилоятидаги “Ҳақиқати Суғд” ва “Суғд ҳақиқати” газеталари ҳамда Қирғизистон Республикаси Боткент вилоятининг “Боткент тани” газетаси ижодий ходимлари билан яқин муносабатлар ўрнатилди. Ҳар икки қардош, қўшни мамлакат журналистлари шу йил Фарғонага ташриф буюришган эди. Энди жорий йилнинг 28 октябрь кунин фарғоналик 15 нафардан иборат журналистлар гуруҳи Боткент вилоятининг “Боткент тани” газетаси таҳририяти меҳмони бўлиши кутилмоқда. Ана шу руҳдаги мулоқотни, дўстликни янада ўстириш, мустаҳкамлаш йўлида вилоятлар газеталарининг қўшма сонларини ташкил этиш, мунтазам равишда чоп қилиб туришга келишилгани ибратли ҳолдир. Ушбу ёруғ муждага бағишланган унинг дастлабки сони Фарғонадаги 1-тинчлик форумига бағишланди. Бунда 3 та вилоят раҳбарларининг мана шу тинчлик форуми ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, ўзаро маданий-иқтисодий алоқалар хусусидаги мушоҳадалари берилган. Шунингдек, 3 та вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, қишлоқ ҳўжалиги, маданияти, туризм манзиллари ҳақида батафсил ахборот беришга ҳаракат қилинди. Мақсад ўзбек, киргиз, тожик — бир-бири билан битта

маконда яшаётган миллатлар дўст-иноқ, бир-бирини яхши билиши, ўзаро борди-келдининг янада мунтазамлигини таъминлаш йўлидаги эзгу қадамлар ижроси. Шубҳасиз, бундай хайрли ишларда журналистика, жумладан, “Фарғона ҳақиқати” газетаси таҳририяти жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиши керак деган ниятдадир. Шу боисдан ҳам учта газетанинг қўшма сони чоп этилди. Бу газеталар аини пайтда Суғд ва Боткент вилоятларида ҳам тарқатилиши кўзда тутилган. Газеталарнинг қўшма сониини тайёрлашда Фарғона, Суғд ва Боткент вилоятларининг қалами ўткир журналистлари жалб



қилинди. Нашрда иқтисодий-сиёсий мавзулардаги тақризлар, янгилик ва хабарлар ўрин олган. Ўзаро қўшма корхоналар, ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг ижроси ҳақида мақолалар ҳам берилган. Бу нафақат фарғоналик муштарийлар, балки ушбу форум иштирокчилари учун ҳам қизиқарли бўлишга шубҳа йўқ. Газета Фарғона 1-тинчлик форуми қатнашчиларига тарқатилади.

Бугун 15 октябрь кунин Фарғона биринчи тинчлик форуми ўз ишини бошлайди.

Мухаммаджон ОБИДОВ,
ЎЗА.

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ОНА ТИЛИГА МЕХР

Она билан тил бир-биридан ажралмас эгизак тушунча. Гўдак қалбига, вужудига ўз тилининг жо этилиши она алласидан бошланади. Бола тинглайдиган илк кўшиқ ҳам, унинг қулоғига чалиниб, вужудига сингиб кетадиган илк калом ҳам она алласидир. Она тилим дея ғурур билан гапиришимиз бежизга эмас.

Аввало, она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — бу халқимизнинг катта ютуғи, тақдирнинг гўзал инъомидир. Утган ўттиз олти йил мобайнида, айниқса, мустақиллик йилларида она тилимизнинг гуллаб-яшнаши, янада равнақ топиши йўлида тинимсиз ҳаракатлар қилинди, қўлланма ва дарсликлар, изоҳли лугатлар янада бойитилди. Ўзбек тилини ўрганишга бўлган ҳавас ва иштиёқнинг нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ортиб бораётганлиги, айрим мамлакатларда ўзбек тилининг дарс режасига киритилиб ўқитилаётганлиги қувонарли ҳол.

Илдизлари теран, тарихи буюк бўлган халқи-

мизнинг орзу-умидлари ушалиб, биз эндиликда жаҳон ҳамжамиятида ўзбек деган номнинг баралла жаранглаётганлигини, дунё сарҳадларига дадил ва мағрур кириб бораётганлигини юрак-юрақдан ҳис этаймиз. Ўзбекча сўз, ўзбек деган ном дунё минбарига жаранглаб турса, бундан фақат фахрланиш, гурурланиш керак.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан туриб ўзбек тилида маъруза қилганлиги қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Янги-янги ташаббус ва таклифларнинг ўзбек тилида ифода этилгани жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини яна бир бор оширди.

Президентимизнинг она тилимиз равнақи йўлида куюнчақлик билан айтган қуйидаги сўзлари диққатга моликдир: “...Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборини мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқатни она Ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”. Демакки, ўзбек тилига бўлган муносабат бу юртга, она Ватанга бўлган муносабатдир!

Бугун дунё ахли “дўстлик”, “меҳр”, “муҳаббат” сўзларини ёки қураш бобида “ҳалол”, “ёнбош”, “чала” деб ифода этиладиган ўзбекча талаффузларни таржимасиз ҳам тушуна олади. Бу бизга ғурур бағишлайди.

Шу ўринда айрим таклифларим ҳам бор. Тилимизга ҳурмат ва эътибор билан ёндашиш учун авваламбор она тилимиздаги сўзларни тўғри талаффуз қилишни билишимиз керак. Яна бир гап. Ўзбек тилининг изоҳли лугатларини ёки ўзбекчадан бошқа тилларга ўтирилган лугатларни қўпайтириш ва янада бойитиш мақсадга мувофиқдир. Интернет имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда дунёнинг энг қўп мулоқот қилинадиган тилларида ўзбек тилидаги сўзлар, мулоқотни тўғридан-тўғри хорижий тилларга, хорижий сўзларни, атамаларни ва мулоқотни ўзбекчага шу заҳоти ўтирадиган дастурларни йўлга қўйиш замон талаби бўлиб турибди.

Наргиза МИРЗАҚУЛОВА,
Бекobod шаҳар политехникумининг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

ЮНЕСКО ВАКИЛИНИ ЎКСИТГАН

ХАРОБ МАДРАСА

1-6. — Ўқиганга юқмайди, мавлоно! — Бобур Мирзoning қайсар қоллари мардона чимирилди. — Уққанга юқади.

— Ҳақ сўз, олампахо.

(Хайриддин Султоннов. Саодат соҳили. Т.: Ғафур Ғулom номидаги НМИУ. 2005. 95-бет).

Бироздан кейин Бобур Мирзо меҳмондан ташрифи сабабини сўрайди. Ҳофиз Кўҳакий тавазе билан ундан сарой кутубхонасида мутулаа қилишига рухсат беришини сўрайди.

— Бизнинг ҳузуримизга не-не муҳтарам зотлар ганжи давлат қилад, кутбайи сўзон тилаб қадам ранжида қилдилар, — дея ўнвиз давомад эйти Бобур. — Лекин шу вақтгача китоб излаб, маърифат излаб келганини кўрганимиз йўқ эди. Шунур Тангригаким, алҳол иноят айлаб, ҳақиқий кўз тутган кишимизнинг дийдорига етиштирди (Ўша китоб, 98-бет).

Китобдан иктибослар келтиришдан мақсадимиз шавкатли аждодларимиз Бобур Мирзо ва Ҳофиз Кўйиқийнинг ибратли фазилатларини эслаш эди. Ҳофиз Кўйиқийнинг қанча тоғларнинг хатарли сўқмоқларидан ошиб, йўлда қароқчиларга талабни Ҳиндистонга боришдан мақсади Бобур кутубхонасидаги китобларни мутулаа қилиш бўлган. Бундай эзгу мақсадни фақат ҳақиқий олимларгина олдиға қўйишлари мумкин. Шубҳасиз, Бобур Мирзо унинг сарой кутубхонасида мутулаа қилишига рухсат беради. Ўша китобда келтирилишича, Ҳофиз Кўҳакий ноёб ҳисобланган Иброҳим ибн Адноннинг ўзини асрда форс тилида ёзилган “Тарихи Туркистон” китобини айнан Бобур кутубхонасида ўқиган ва кейинчалик туркий тилга таржима қилган. Эндиликда биламизки, Ҳофиз Кўҳакий китобининг сўзма-сўз таржимаси билан кифояланмаган. Туркий халқлар ва мамлакатлар ҳақида катта

билимга эга бўлгани учун хато жойларини тўғрилаган ва керакли ўринларда янги маълумотлар билан тўлдирган.

(Ишонамизки, зукко китобхонларимиз “Саодат соҳили” асарини ўқишган ва Бобур Мирзо, Ҳофиз Кўйиқийга оид қўллаб маълумотларни биладилар).

Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий 1490 йили Паркентда улуг алломамиз ва султон Мирзо Улуғбекнинг шогирди бўлган Али Қўшчининг ўғли Мирзо Камолиддин хонадонида дунёга келди. Унинг томирида зиёли бобоси ва отасининг қони жүш ургани учун болалигидан илм олишга ихлос қўйди. Ўғлининг иқтидорини кўрган отаси бироз улғайгач, билимнинг мустаҳкамлаши учун Тошкентга йўллаган. Шу ўринда эслашимиз лозим, Бобур Мирзо 1502 йиллар атрофида Паркентнинг Сомсарак ва Заркент қишлоқларида бўлган. Бобур Мирзодай шахснинг Али Қўшчининг ўғли бўлган Камолиддинни йўқламаслигини кўз олдимизга келтира олмаимиз. Балки ўша даврда Бобур Мирзо илмга ташна ўсмир Султон Муҳаммад билан учрашган бўлса ажаб эмас.

Тошкентда Султон Муҳаммад Мавлоно Асомиддин ва бошқа устозлардан таъсил олиб, араб ва форс тиллари, мантик, фикҳ ва бошқа фанлар бўйича теран билимга эга бўлади. Ўзи битган рисоаларга Кўҳакий таҳаллусини қўяди. Кўҳ — тоғ, кўҳакий — тоғлик дегани. У тоғли Паркентда туғилганини эслатиб туриши учун шу таҳаллусни танлагандир. Аввал Тошкентнинг Қўйлиқ мавзесида, кейин эса Сағбон кўчасининг ўнг томонида, бозорга яқин жойда истикомат қила бошлайди. Манбаларда шаҳарлик Собира исмли қизга уйлانгани, бир ўғлининг исми Абдуллоҳ бўлгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Ҳовлисидида ўз маблагини эвазига мадраса қўрдирган ва шу нурли масканда

мударрислик қилган. Кейинроқ унинг раҳбарлигида масжид барпо этилган. Ҳозирги кунда бу жой Ҳофиз Кўҳакий маҳалласи дея номланади.

У умри давомида Хитойдан Мисргача бўлган мамлакатларда сафар қилган ва халқларнинг урф-одатларини ўрганган, албатта, мавжуд китобларни ўқиб билимини оширган, ўз асарларига манбалар тўплаган. Ҳофиз Кўҳакий ундан зиёд асарлар ёзгани маълум. Айниқса, “Тарихи Тошканд” (“Тошкент тарихи”), “Тарихи оли Чингиз” (“Чингиз авлоди тарихи”), “Рисола фи фанн ат-тафсир вал усул вал фуру вал мантик вал калом” (“Тафсир, фикҳ асослари ва тармоқлари, мантик ва калом илми ҳақида рисола”), “Шарҳи одобул мунозара” (“Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара”), “Фавоид зиёна” (“Мунаввар фойдалар”) каби асарлари машҳур бўлган. Бундан ташқари Жомий, Асомиддин каби таникли шахсларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Биз юқорида Иброҳим ибн Адноннинг икки жилдлик “Тарихи Туркистон” (“Туркистон тарихи”) китобини туркий тилимизга таржима қилгани тўғрисида тўхталгандик.

Фахр билан таъкидлашимиз керак, Ҳофиз Кўҳакий қўрдирган мадраса ва унинг таълими довуғи узоқ-узоқларга кетган. Ҳиротлик олим Муҳаммад Тоҳир узоқ йўл босиб, Самарқанду Бухоролардан ўтиб, 1564 йили Тошкентга келади ва Ҳофиз Кўҳакийдан шогирдликка олишини сўрайди. Айнан шу мадрасада устозидан таъсил олади, турли фанлар бўйича билимни мустаҳкамлайди ва ўз юртига қайтиб теран асарлар битади. Албатта, Ҳофиз Кўҳакий мадрасасида таълим олган бундай толиби илмлар қўп бўлган.

Ҳофиз Кўҳакий 1584 йили пири бадавлат ёшда вафот этади ва майити Тошкентдаги

Қафпол Шоший мақбараси кираверишининг ўнг томонида дафн этилди. Ул табарруқ зотнинг пири бадавлат ёшга етиши ва барчаннинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлишининг сабаби — бир умр бузург Баҳоуддин Нақшбанднинг “дилнинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин” нақлига қатъий амал қилиб яшаганида!

Афсуски, нурли илм маскани бўлган мадраса юртимизда 130 йил давомад этган мустабид тузум даврида турли ташкилотларнинг оморларига айлантирилди ва хароб аҳволга келтирилди. Мустақиллик шабадаси эса бошлаган даврда “Ҳофиз Кўҳакий” номли маҳалла ахли ҳашар йўли билан масжидни тиклади, лекин шу масжид яқинидаги мадраса қаровсиз ҳолда қолиб кетди. Тўғри, кейинги йилларда маданий меросни асрашга ва тиклашга мутасаддилар бу жойга келиб кетишди. Ҳар бири ваъдалар ҳам беришди, лекин ахвол ўзгармади. Бу жойни қўришга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) вакили ҳам келди ва мадрасанинг хароб аҳолини кўриб, ошкора хафа бўлди. Ўзимизнинг маданий меросни асрашга масъул мутасаддилар ҳануз жим.

Хароб ҳолдаги масжидни кўздан кечирав экансиз, хонадаги устун ва тўсинлар эътиборни тортади. Улар беш аср илгаригидай сақланиб қолган. Букилланган, ёғоч қўртлари ҳам кемирамаган. Чунки улар эҳтимол Ҳофиз Кўҳакий ва бошқа устозларнинг маърузаларини, илми толибларнинг қизгин баҳсларини тинглаганлари учун асл ҳолида турибди. Балки улар Ҳофиз Кўҳакий ва шу жойда таълим олган илми толиблар ҳурмати учун бизни асраб қолинглар дея бонг ураётгандир, фақат биз бу бонгни эшитмаётгандирмиз. Лекин ишончим қомил, бу бонгни эшитадиган ва мадрасани



таъмирлайдиган, тиклайдиган маданий меросни асрашга масъул мутасаддилар бор.

Аслини олганда, Ҳофиз Кўҳакий маърифатимиз устунларидан бири эди. Унинг меросини, ибратли турмуш тарзини ўрганиш ва тарғиб этиш, у бўлган жойларни обод қилиш, номини абадийлаштириш барчамизнинг бурчимиздир.

Сўнгги йилларда юртимизда Президентимиз томонидан қанчадан-қанча обидалар, қадмжалор обод қилинди, шубҳа йўқки, ушбу зиёратгоҳга ҳам эътибор қаратиладиган кунлар яқин.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

МАКТАБ ЯРАТГАН ИЖОДКОР

1-6

Қайси соҳада ёзмасин, воқеа-ҳодиса тафсилотларини чуқур ўрганиб, фикрини жамлаган ҳолда ёзув столига ўтириши, чарчаш нималигини билмаслиги кўпчилик ҳамкасбларимизга ибрат эди. Шунингдек, суд-хуқуқ мавзисида мақола ёзадиган публицистлар республикамизда ҳаммиша саноқли бўлган. Бу борада Сафар ака етакчилардан эди.

Тадбир давомида Фаррух Ҳамроев устози Сафар Остоновдан ижод сирларини ва ҳаёт сабоқларини ҳам олганини эътироф этиб, устоз журналистнинг материалларни ҳолис ва ҳаққоний ёритиши, ватанпарварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида муносиб обрў-эътибор қозониб, ўзига хос мактаб яратгани ҳақида фикр билдирди.

Хотира кечасида ушбу таълим масканида Сафар Остоновнинг музейини, Самарқанд шаҳрида журналистика мактабини ташкил этиш, 80 йиллиги олдида бир қатор тадбирлар ўтказиш борасида фикр ва таклифлар билдирилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР СПОРТ МУСОБАҚАСИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими ташаббуси билан вилоятда фаолият юритувчи ОАВ ходимлари иштирокида камондан отиш бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди. Ушбу мусобақа Ўзбекистон камондан отиш федерацияси вилоят филиали билан ҳамкорликда ўтказилди.



Бугун мазкур спорт тури билан Жиззах вилоятида мунтазам шуғулланувчи ёшлар сафи 350 нафарга яқинлашди. Худудлардаги 25 та секцияда шуғулланувчи спортчиларнинг маҳоратини оширишларида 8 нафар махсус сертификатга эга мураббийлар доимий иш олиб боради. Ташкил этилган мусобақа аввалида иштирокчилар ана шундай маълумотлар ва камондан отиш борасида зарурий кўникмаларга ҳам эга бўлишди.

Мусобақа жараёнида 18 метр узоқликдаги нишонни аниқ мўлжалга олиш учун ҳар бир иштирокчига уч бор имконият берилди. Уринишларда тўпланган жами баллар йиғиндисига кўра энг маҳоратли мерганлар аниқланди.

— Бундай мусобақалар журналистлар ўртасида мунтазам ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, — деди Жиззах вилояти телерадиоканали давлат муассасаси радио бўлими муҳаррири Латофат Муродова. — Асосий мақсад ғалаба қозониш эмас, ишдан бўш вақтни мазмунли ўтказиш, қолаверса, бошқа ОАВлардаги ҳамкасблар билан ўзаро дўстликни янада мустаҳкамлашдир.

Дустона мухитда ўтган мусобақа сўнгида ғолиблар ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ЯНГИ НАШР

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАБИАТИ”

Она тилимизда “жонкуяр”, “фидойи”, бирор нарса учун “ичи ачийдиган”, “куйди-пишди” каби сўзлар бор. Буларнинг замирида бир маъно яширинган: бирор кимсага ўта ғамхўр, бирор нарса учун жонини ҳам аямайдиҳан инсон тушунилади. Бинобарин, она тилимиз равнақи учун жонини ҳам аямайдиган, ҳар қандай даврада ўз фикрини айта оладиган, аини шу хислатларни ўз ҳаёт мазмунига айлантирган кишилар ҳам бор. Назаримизда, мана шундай инсонлардан бири Зухриддин Исомиддиновдир.

Зухриддин акани ўтган асрнинг 80-йилларидан бери биламан. Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида маълум муддат бирга ишлаганмиз. Асли журналист бўлган З.Исомиддинов адабиётшунослик, таржимашунослик соҳаларида салмоқли илмий тадқиқотлар яратган. Гап бу ҳақда эмас. Мен у кишининг она тилимиз олдидаги хизматларини: радио-телевидениедаги, газета-журналлардаги чиқишларини мунтазам кузатиб бораман. Бу орада масъул лавозимларда ҳам хизмат қилди. Лекин она тилимиз олдидаги масъулиятини бирор дақиқа унутмади, доимо жонсарақлик билан бирор муаммони, унинг ечимини далиллар билан кўрсатиб берди.

Яқинда “Баёз” нашриётида Зухриддин Исомиддиновнинг “Ўзбек тилининг миллий табиати” номли китоби босилиб чиқди. Мазкур китобда Зухриддин домланинг она тилимиз ҳақида билдирган кўп йиллик фикр-мулоҳазалари жам бўлган. Давлат тили масаласи, она тилимиздаги товушлар, тилининг бойиш манбалари, сўз ўзлаштириш ҳодисаси ва имло муаммолари, халқ шеваларидан фойдаланиш масалалари, бадий таржима ва унинг миллий тилга таъсири каби бир қатор муаммолар алоҳида мақолаларда, суҳбат-интервьюларда акс этган. Асосий урғу она тилимизнинг бугунги аҳволи, мавжуд муаммолар, уларнинг юзага келиш сабаблари ва ҳал этиш йўлларига қаратилган. Буни китобнинг мундарижасиданоқ билиб олиш мумкин: “Тил қандай пайдо бўлган?”, “Ўзбек тилининг миллий табиати”, “Тил ва маънавият”, “Ўзбек тилида товушлар фаоллиги”, “Шеванинг шикваси”, “Ўзбек эмас, ўзбекмиз” ва шу кабилар.

Одатда, 21 октябрь арафасида давлат тили масаласи “кўзғалиб” қолади, мақолалар чоп этилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинади. Шу билан она тилимиз — ўзбек тилига бўлган “хурмат”имиз ҳам сўниб боради. Аммо Зухриддин Исомиддинов бу борада узлуксиз чиқишлар қилди, қайси минбардан бўлмасин, бу ҳақда бонг уради, жамоатчилик фикрини ўзбек тилининг келажакига қаратади, айниқса, ёш авлодни бу масалада бефарқ бўлмасликка ундайди, давлат тилининг нозик нуқталарига эътибор қаратади.

Муаллиф фикрича, “Барча давлат ташкилотларида ўзбек тилидагина эмас, адабий тилда иш юритилиши шарт. Наманганлик муаллим наманганча шевада дарс ўта бошласа, тошкентлик актёр сахнада ўз шевасида сўзласа, андижонликлар “анжанчасига” гапираверса, миллий яхлитлик барбод бўлади”.

Зухриддин домла томонидан турпи йилларда ёзилган, лекин бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотмаган мақолалар, аввало, ўз номланиши билан беихтиёр кишининг эътиборини тартади. Мана ўшандай мақолалардан бири: “Имлони билмаган мулопо бўлмайти”. Муаллиф она тилимизнинг миллий табиатидан келиб чиқиб, ҳатто тилшунос олимларимиз ҳам етарлича эътибор қаратмаган соҳаларни тадқиқ қилади ҳамда амалий тилшунослик учун ўта зарур бўлган назарий хулосаларни илгари суради: “Ҳолбуки, дунёнинг ҳамма халқлари четдан кирган сўз ва атамаларни ўз тилига мослаштириб талаффуз қилади, шундай ёзади ҳам. Араблар гавҳарни жавҳар, Чочни Шош дейди, чунки тўғриси айтишга тили келишмайди. Биз эса, нима учундир, қайси тилдан сўз олар бўлсак, ўшанга мослашга уринамиз, бу орада она тилимиз хоссалари поймол бўлиб кетаётгани билан ишимиз йўқ”.

Зухриддин Исомиддинов билдирган фикрлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қимматли. Чунки ҳар бир тилнинг ўзига хос инжиқлиги, миллий табиати бўлади. Лисоний бу ўзига хослик ҳар қандай сўзу ҳар қандай ифода тарзини қабул қилавермасликда ёки ўзига мослаб қабул қилишда қўринади. Тил шуниси билан тирик бўлади. Шундай экан, бундай қимматли фикр-мулоҳазалар ёзув амалиётида ҳисобга олиниши, бошқа тиллардан ўзлаштирилаётган сўзлар имлосида, албатта, ҳисобга олиниши зарур. Негаки, “Ўзбек тили бошқа тиллардан сўз олишга омилкорроқ. Луғатимиз ҳазинасининг яримдан кўпрогини арабий, форсий ва русча-байналмилал сўзлар ташкил этади”.

Ушбу китобдаги ҳар бир мақола тўғрисида фақат ижобий фикр билдириш мумкин. Чунки муаллиф қараб чиқаётган мавзунинг тадқиқ этилаётган ҳар бир соҳани илмий-назарий жиҳатдан пухта ўрганиб чиққан, мавжуд фактлар қиёсий таҳлил қилинган, шундан кейингина назарий умумлашмалар тавсия қилинган. Буни “Ўзбек тилида товушлар фаоллиги” мақоласида ҳам яққол кузатиш мумкин. Муаллифнинг мана бу фикрига эътибор қаратамиз: “Ҳеч қайси даврда ўзбек алифбосида унлилар яхши ифода топмаган. Бунинг сабаби — “Ўзбек тили ривожланиб, сингармонизмини йўқотган”лигини кўрсатиш ва шу орада алифбодоги ҳарфлар миқдорини рус тили алифавити миқдорида тенглаштиришга интилиш мақсадида айрим товушлар учун график белги (ҳарф)лар атайлаб олинмаган”.

Аслида, адабий тилнинг бойиш манбаи иккита: халқ шеваларидан сўз олиш



ва бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш. Назаримизда, ҳар иккаласи ҳам жуда муҳим. Халқ шевалари орқали ҳақиқий туркий, содда, кўпчиликка тушунарли, айтилиши қулай сўзлар кириб келса, бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, илм-фан терминларига бўлган объектив эҳтиёж туфайли бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштирилиши керак. Шева — икки манбанинг ўзига хос ўрни бор. Лекин баъзида шева сўзларини қўллашда эътиборсизлик ёхуд адабий тилга нописандлик сезилиб қолади.

Хўш, бу борада Зухриддин домланинг фикрлари қандай? Унинг ёзишча, “Саодсиз ёки китоб ўқимайдиган одам шевада гапиради, шевасига мослаб ёзади ҳам. Зиёли одам эса адабий тилда сўзлашга ҳаракат қилади. Тўғри, шевалар билан адабий тил нормалари орасида анча-мунча талаффуз бор. Шунинг учун баъзилар шевада сўзлаш табиийроқ деб ўйлашади. Бундай эмас. Биз умумўзбек адабий тилида табиий гаплашиш сари интилишимиз керак. Шева — элат тили, адабий тил эса — миллат тили. Бутун халқ адабий тилда сўзлашишга ўтгандагина миллат бўла олади”.

Эсимда, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими Насим Маматов ўзбек тилида кўшма сўзлар бўйича докторлик диссертацияси ёзиб, ҳимоя қила олмаган эди. Сабаби — Насим домла жуда кўп сўзларни кўшиб ёзиш гоёсини илгари сурган ва шу тарихи “Изоҳли луғат” сўзлигини бойитиш тарафдори бўлган эди. Таассуфки, фидойи олимнинг бу гоёси ўшанда амалга олмади. Агар масаланинг туб моҳияти чуқур англаб етилганда, ўзбек тилидаги жуда кўп сўзлар имло, изоҳли ва терминологик луғатлардан жой олар, охир-оқибат ўзбек тилининг луғавий имкониятлари янада ошиб, минг-минглаб сўзлар билан бойиган бўларди. Ажабланишли томони шундаки, бу масала ҳозирги кунда ҳам ўз ечимини топган эмас. Фидойи олим Зухриддин Исомиддиновнинг бу борадаги фикрлари ҳам жуда жўяли: “Кўшма сўз ўзбек тилида бисёр. Агар барча кўшма сўзлар луғатга олинса, луғатларимиз бинойидек бўл қолади. Аммо нима учундир, ўзбек тилшу-

нослигида кўшма сўзларга қандайдир ўғай кўз билан қараш тамойили бор, уларнинг ҳатто чорак қисми ҳам кўшма сўз деб тан олинмайди. Аксар кўшма сўзлар эса ўзбек тилининг имло қоидалари тақозосига кўра ажратиб ёзилади”.

Юқорида таъкидланганидек, “Ўзбек тилининг миллий табиати” китобидаги ҳар бир мақола ёки суҳбат маълум бир лисоний ҳодисанинг мазмун-моҳиятини очиб беришга, мавжуд муаммо ва унинг ечимини кўрсатишга хизмат қилади. Чунки муаллиф тил амалиётида йўл кўйилаётган камчиликларни шунчаки қайд этмайди, балки уларнинг ижтимоий ривожланишидаги ўрни, миллий маънавият-тимиздаги аҳамиятини рўйирост кўрсатиб беради. Айниқса, сўз қўллашдаги ўзига хосликлар, шаклан ўзбекча, аммо мазмунан русча қолипда ясалган сўз ва ибораларга жамоатчилик эътиборини тартади. Масалан, “маҳалла фуқаролар йиғини”, “Дилнозани мумкинми?”, “ҳашар йўли билан”, “тўрт нафар футболчилар” каби жумлаларнинг ўзбек тилида эканлиги, аммо ўзбекча эмаслигини далиллар билан кўрсатиб беради.

Зухриддин домла ўзбек адабий тили ва халқ шеваларининг ўзаро муносабатини, алифбо, тил ва имло масалаларини, таржима санъатининг она тилига кўрсатадиган таъсирини жуда нозик ҳис этади. Қувонарлиси, тилшунос олимларга нисбатан чуқурроқ идрок қилади, далилларни умумлаштирган ҳолда муҳим назарий фикрлар билдирди. Масалан, ҳозирги ўзбек имлосида баҳсли бўлиб турган “Хх” ва “Хх” ҳарфли сўзлар хусусида, ўзбек кирилл алифбосида “Гг” билан ёзиб келинган айрим сўзларни ўзбек тилида она тилимиз табиатида мос тарзда “Хх” билан ёзиш масаласини илгари суради. “Менимча, барча ҳолларда илмий принцип етакчилик қилиши керак. Тилимизда “х” ҳам, “г” ҳам бемалол талаффуз этилар экан, тили келишмаган ўрис Гамлет деса, Гамлет деб кета бермай, энди Ҳамлет деймиз, араблар жавҳар деса, йўқ, тўғриси гавҳар, география бўлади, деб айтамиз”.

Хуллас, она тилимизнинг миллий табиати ҳақидаги ушбу китобда сизу бизни ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган фикр-мулоҳазалар, ўй-кечинмалар жуда кўп. Назаримизда, “Ўзбек тилининг миллий табиати” ҳар бир ўзбек зиёлиси ўқиб чиқадиған, ҳар бир миллатдошимиз ўз онгу шуурига ҳо қиладиған асарлар сирагина кўради. Ҳозирга қадар нафз этилган А.Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз”, Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати”, Низомиддин Маҳмудовнинг “Тилимизнинг тилла сандиги” каби китоблар қаторида севиб ўқиладиған, ҳар бир миллатсеварнинг қалбидан жой оладиган асар бўлиб қолади, иншооллоҳ.

Равшан ЖОМОНОВ,
Абу Райҳон Беруний университети
профессори,
филология фанлари номзоди.

КЕЧИНМА

УСТОЗНИНГ СЎЗЛАРИ...

Ҳаётни тушуниш, унинг асл моҳиятини англаб етиш — ҳар бир инсон ҳаёт йўлида ўзи топадиган ҳақиқатлардир. Қўйиники, ғам-ташвишсиз ўсган, қайғу нима эканини билмаган болакай вақт ўтгани сайин ҳаётнинг ҳар бир синовидан сабоқ олиб, кўп саволларига жавоб топиб борар экан. Одам боласи дунёга келгач, озгина ўзини англаб олиб, ўз-ўзига кўп савол бера бошлайди: Мен кимман? Ҳаётдаги ўрним, вазифам нима? Қандай одам бўламан, қайси касб-корни танласам адашмайман?...

Бу саволларга жавоб топишда энг аввало ота-она, устозлар ва ҳаётда тўпланган тажриба катта аҳамият касб этишини биров кечроқ, ўзга биров эртароқ англаб етса керак.

Мен ҳам ёш бўлганман, кўп нарсаларни тушунамасдим. Аммо ҳозир аста-секин ўзлимнинг англаб бораётгандекман. Ҳаётни тўғри тушуниш — фақат китоблардаги чиройли гаплар ёхуд чуқур фикрлар билангина эмас, балки устознинг ҳаётий тажрибаси, маслаҳатлари, ўғитлари орқали шаклланган экан. Чунки энди англаб етсам, ҳақиқий устоз бизга фақат билим эмас, балки ҳаётнинг асл маъносини, инсоннинг бурчини, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини ҳам қалбимизга сингдирар экан!

Шу дамда ажаойиб хотиралар ёдимга тушди. Менинг ҳам бугунги даражамга етишимда бекиёс ҳиссаси бўлган бир устозимни эслайман. Бир кун у киши ўз оналари ҳақида шундай ҳикоя қилган эди:

“Бола эдим, онам эрта сахарлаб, ҳали тонга ёришмасдан турар, жамки уй юмушларини бир ўзлари қилардилар. Оиламизда ўн икки нафар фарзанд, ота-онамиз билан жами ўн олти киши эдик. Онам ҳар саҳар сигирларни согиб, сутни пишириб, нонушта учун дастурхон тузаб, катталарни ишаб, бизларни мактабга ўқишга кузатар эди. Сўнча катта томорқамиздаёи ишларни ҳам эътиборсиз қолдирмасдилар. Уйимизда ҳар кун икки тандир

нон ёпиларди. Бунинг учун онам катта товоқда ҳамир қилар, биз кичкиналар учун бир-бирдан чиройли кўпчалар ҳам ясар эдик.

Шундай чиройли, тўйимли тандир нонлари. Улар нововойхонадаги кичик нонлардай эмас, балки қишлоқнинг катта, жайдари нонлари эди. Деярли ҳар кун уйимизга меҳмон келарди, одам узилмас эди. Йигирма-ўттиз киши бўлиб кетарди. Ҳозиргидек газ, ичимлик сувви қаёқда дейсиз! Онам ўчоқда оёқат қилиб, қумғонда чой қайнатарди. Кечга бориб эса йилғилиб қолган бир дунё идиш-товоқларини айтмайсизми? Онагини ушбу юмушлардан ташқари, қир-чир дейсизми, яна адоғи туғамайдиган қанча юмушларни бир ўзи уddалар эдилар. Тўғри, мenden ёши каттароқ ушкита олам уй ишларига озгина ёрдам берган бўлар, лекин кейин дарс тайёрлаш учун дафтар-китобларини “дастурхон” қилиб олишарди.



Ҳар йили пилла қурти боқиларди. Онам туни билан очофат пилла қуртларига тут бариб юлар, пахта терим пайтлари эса кун бўйи далада бўлганлари етмаганидек, ярим кечгача қўсақ қувиб ўтирар эди. Мен кўн бор: “Онам қачон ухларкан?” деб ўйлардим. Гўё у умуман ухламасди. Чунки биз ухлаб қолардик, эрталаб кўз очганимизда эса онамизнинг куй-

маланиб юрган бўлар эди. Қизиқ, шунча ишларни қиладиган онам бирор марта ҳаётининг қийинлигидан ёки бирор етчимовчиликдан нолиганини эшитмаганман. Йўқса, бой-бадавлат, тўқин-сочин яшамаганимиз. Ҳар қандай, қосамиздаги таомда гўшт деганлари онда-сонда учраб турар эди...”

Устозим бу сўзларни айтганларида кўзларида ёш милтиллаганини кўрдим. Уларни тинглар эканман, кўз олдимга ўз онам келди. Чунки шундай мавзулар борки — улар фурсат танламайди, ҳар бир инсон қалбидан ўнг нозик торини чертиб ўтади.

Устозимнинг онаси ҳақидаги сўзларида мен барча мушфиқ ва мўътабар қишлоқ оналарининг қиёфасини кўрдим. Биз оилада ўн икки нафар бўлмасак-да, онамнинг меҳнатини, сабрини, меҳрини ҳар кун ҳис қилганман. Мен ҳам қишлоқда ўсганман, шу боис бу сўзлар мен учун ҳам бегона эмас эди. Бу оддий ҳаёт тарзи, бу заҳматли турмуш деярли ҳозир ҳам кўпгина оилаларда ўзгармаган, давом этмоқда.

Эҳ, қанийди, бу нарсаларни айрим тўқликка шўхлик қилиб ўсаётган ёшлар билишса эди. Йўқ, билишмайди. Аксинча, балаандаровоз гаплардан бўлса қотиришади. Сўз эркинлиги, адолат, ҳақиқат, демократия деган сўзларни ёдлаб олишган. Лекин ҳақиқий ҳаёт ҳаммага ҳам бирдек эмаслигини, ҳамма ҳам орзу қилганини, қўлини узатганига имкони етмаслигини билишмайди. Назаримда, бунинг учун одамларни лоқайдликда, иш билмасликда айбланши ҳам дундирадидилар. Аммо ҳалол яшаш, ҳалол меҳнат қилиб ризқ қўриш нималигини биладимиз ҳамма ҳам?

Майли, фикрларим бироқ чалкашиб кетгандек. Лекин ҳақиқий ҳаётни англашда, юқорида айтганимдек, инсоннинг йўлбошчиси, аввало, ота-она бўлса, сўнгра ҳақиқий устози бўлар экан. Ота-она ҳаётнинг боши, ҳақиқий жонқуярингиз бўлса, устоз эса ақлга нур, меҳр берадиган. Уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир меҳнати инсонни тўғри йўлга бошлайди. Мен учун ҳаётнинг энг катта сабоғи — устознинг оналари ҳа-

қида айтган сўзларида яширин бўлгандек. Негаки, улар орқали мен меҳнатнинг қадрини, она меҳрининг бекиёслигини ва ҳаётнинг ҳақиқий маъносини янада чуқурроқ, яна тийранроқ тушунгандекман.

Ёғду

Бир кун, қузнинг ёрғу кечаларидан бирида, нимагадир маънос, тошқин ва ваҳимали Дарбанд дарёсида сузгим келиб қолди. Бир пайт дарёнинг бурилиш жойида, қаддини тик тутиб турган улкан тоғларнинг олдида қандайдир ёғду тарлади.

Шунда мен: — Худого шукур-эй! Яхшиям тунаш жойимиз яқин! — деб қўйдим қувонч билан. Қизиқ бу қандай ёғду эди?

У жуда ҳам ёрқин нур таратарди. Унинг нури



шу қадар кучли эдики, шундоқ ёнгинамизда эди гўё. Олдимдаги қайиқчи тирсагини букиб ёғдуга қаради ва нимагадир у ваҳимага туша бошлади... Мен қайиқчи шеригимни тинчлантириб, бирдан ҳаёлимга ушбу ёғдуни таъқиб қилиш фикри келиб қолганини, балки у ерда бизни қандайдир хазина, яхшилик кутиб турганини айтиб, ўша ёрқин нур таралиб турган тоғ этагига боришга кўндирдим.

Хуллас, ўзаро келишиб олғач, ўзимизда куч топа олдик ва ёғду томон ҳаракатлана бошладик.



— У жуда узоқда, — деди қайиқчи менга.

Мен ишонмадим, чунки ёғду шундоқ ёнгинамизда турганга ўхшарди.

Бир пайт ёғду қоронғи жойдан чиқиб, нетонгки, биз томон ҳаракатлана бошлади. Қўрқув ва қизиқиш аралаш биз ҳам унга қарама-қарши тарзда сузиб борардик, лекин ҳеч яқинлаша олмадик.

Қайиқчи шеригим ҳақ! У биздан жуда узоқда экан. Чунки анча сузганимизга қарамай, ҳеч ета олмадик. Бир пайт ёғду бизга жуда яқинлашди, биз ҳам шиддат билан унга пешвоз сузиб боравердик. Мана-мана, 2-3 эшқакдан кейин етиб оламиз, ниҳоят йўл тугайди, дея ўйлардик. Орамиздаги масофа эса, афсуски, камаймас эди.

Биз қоронғи кечада бир ёғду изидан анча суздик, мадоримиз қолмаса ҳам сузавердик. Бу нур бизга қанча яқиндек туюлса, аслида, шунча узоқликда эди. Гўё осмондаги энг ёрғу юлдуз каби. Мен бирон нарсанинг изидан ҳали бунчалик кўп юрмаган эдим!

Биз тўхтадик. Шунда инсон олдига қўйган мақсадига етишиш учун тинмай ҳаракат қилиши кераклигини тушуниб қолдим. Узоқ бўлса ҳам, қийин бўлса ҳам ҳаракат қилиш керак. Демак, инсон олдига қўйган мақсад бу — ёғду экан. Муҳими, мақсадга, орзуларга, эзгу ниятларининг эришмоқ учун тинмай ҳаракат қилиш керак, орқага чекинмаслик шарт. Бу йўлда, эҳтимол, биз яқин деб ўйлаган ёғду каби асл мақсадлар узоқда бўлар. Алданармиз. Аммо барига меҳнат билан, ишонч билан етишиш мумкин-ку. Бунга шубҳа қилмаслик керак.

Ҳаёт ва ҳақиқат қонунлари бўлиши бу фикрлар менга қўшимча куч, ирода, матонат бағишлади. Зеро, инсон бирор эзгу мақсадни, яхшиликни чин дилдан хоҳласа, жамки борлиқ уни шу мақсадига етиштириш пайида бўлади. Бу гапни ҳам устозларимдан бири айтган эди.

Дарёдаги Бир ёғду сабаб ана шу ўйлар кечди дилимдан...

Жонибек ХОЛБОВЕВ,
ЎЗЖОКУ талабси.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

ҚАРДОШ ШОИРНИНГ БАРҲАЁТ ИЖОДИ

2025 йил 21 февралда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев имзолаган Фармонда бу йил “Бахтиёр Ваҳбзода йили” деб аталиши ва улуғ шоирнинг 100 йиллик юбилейи нишонланишини эшитиб, қувонган эдим. Менга ҳам бориш насиб қилармикан, деб ўйлагандим ич-ичимда. Ахир у — туркий халқларнинг буюк академик шоирларидан бири ҳисобланади.

Сентябрнинг охириг ҳафтаси қутилмаган хабар мени ҳам оловлар юрти Озарбайжонга бошлади. Янги халқро аэропорт биносига кириб боргач, кечикмаганимга шукрлар қилиб, йўловчилар қаторига ўтирдим. Мендан кейин Тоҳир Қаҳҳор келдилар. “Қозоқбой ака ҳозир келиб қоладилар”, деб ташқарига қарадилар. Салдан кейин Қозоқбой ака ҳам етиб келди. Биргалишиб самолётга чиқдик. Уч соатча учиб, дастлаб Шаржа шаҳрига кўндик.

Худди ёзга ўхшайди. Чўл иссиғи тафти ёқимсиз туюлади. Икки олим самолётда ҳам, ерда ҳам тинмай суҳбат қуришди. Кўнгли яқин одамларнинг гапи тугамайди. Мен у ёққа қарайман, қўшдан қуйган чехралар, бу ёққа қарайман, паранжили қора кўзлар. Ташқари жудаям иссиқ. Хайрият, Боку йўналишига чорландик. Самолёт салқингина экан. Яна икки ярим соатда Хайдар Алиев аэропортига эсон-омон кўндик.

Бизни нозиккина, узун бўйли Шохида исмли қиз ва кўркам Улфатбей — раҳматли шоира Фергана Хонимнинг ўғли кутиб олди. Аёллар бошқа автоуловга жойлашдик. Хайдовчимиз шоиранинг ўғли экан. Гўзалликда Дубайга тенглашадиган Боку шаҳри меҳмонларга қучоқ очганча яшнаб турибди. Шохиданинг бувиси Тошкент озарбайжонларидан, Тузел тарафда яшаркан. Қолган уруғ-аймоғининг бари Озарбайжон фуқаролари. Қизимиз Бокуда Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеясида ишларкан, тўрт-беш тилда гаплаша оларкан. Бизни маҳобатли меҳмонхонага жойлаштиришди. Деразадан қарасам, Каспий денгизини чайқалиб ётибди. Шохида мени денгиз соҳилига олиб чиқди. Суратларга тушдик. Эски шаҳарни айландик. Боку тўрт фаслда турфа ороланади, томоша қилиб чарчамасиз. Денгиз шамолига чидасангиз, бас. Денгиз гувиллайди. Олисдан кемалар қарвони ўтади. Соҳилга ошиқлар келаверади.

Бокуда ва Шакида Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси ва Юнус Эмро институти Боку маркази ва Шакидаги Озарбайжон давлат педагогика университети филиали ҳамкорлигида халқ шоири, академик Бахтиёр Ваҳбзоданинг 100 йиллигига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. 29 сентябрь куни биринчи навбатда биз, тадбир иштирокчилари Озарбайжон умуммиллий етакчиси Хайдар Алиев ва академик Зарифа Алиева ҳамда Бахтиёр Ваҳбзоданинг фахрий хиебондаги қабрларига, кейин шахидлар хиебонига гуллар қўйиб, зиёрат қилдик.

Бокуда бўлиб ўтган тадбир ТуркПА котибияти бош қотиби Меҳмет Сурайё Эрнинг табрик ва кириш сўзи билан бошланди. У анжу-



манни олиб боришни модератор ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати Хикмат Мамедовга берди. Тадбирда Озарбайжондаги Отатурк маркази директори Низомий Жафаров, халқ шоири, сиёсий арбоб Собир Рустамхонли ҳамда Туркиядаги иқтисодиёт ва илмий текшириш институти президенти, собиқ парламент депутати Ибрагим Эртан Юлеклар сўзга чиқишди. Тадбирларда, асосан, Бахтиёр Ваҳбзодани таниганлар, дўст-ёрлари, таржимонлари, қадрдонлари, қариндошлари қатнашдилар.

Уша куни Шамахи, Габала, Исмаилли, Ўғиз, Шаки йўллари автоуловда босиб ўтдик. Тўрт юз километрдан ортиқ йўл қирғоқлари қалин дарахтзор ўрмонлар ва ҳар жойда сайёҳлар учун гўзал дам олиш масканлари билан қуршалган экан. Шакига етдик-у, “бундай гўзал жойларда қандай ёзмай бўлади?” деб ўйладим. Бахтиёр Ваҳбзодани шоир қилган Кавказ табиати, кўкликлари, кўхликлари бўлса керак, деган ўй хаёлимдан ўтди. Йўлларда тўхтадик: ҳамма жойда бизни фақат озар халқига хос меҳр ва меҳмоннавозлик намойишидай ҳаяжон ва тўкин дастурхонлар билан кутиб олишди. Ҳар ресторанда миллий куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирларнинг иккинчи асосий қисми 30 сентябрь куни Бахтиёр Ваҳбзоданинг она шаҳри Шакида, Озарбайжон давлат педагогика университети Шики филиалида давом этди. Унда Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати Жавоншир Файзиев модераторлик қилди. Меҳмет Сурайё Эр, Туркиянинг Озарбайжондаги элчиси Бирил Окюн, давлат арбоби Гасан Гасанов, туркиялик сиёсатчи Ибрагим Эртан Юлек, Осман Мастон, Озарбайжон Миллий Мажлиси депутати Али Масимли, Маҳмуд Узер, депутат Вигар Искандаров, Фелиз Қилич, Қадим Дурмаз, профессор Қозоқбой Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат қўрган таржимон-олим Тоҳир Қаҳҳор, қирғизистонлик шоир Олтинбек Исмоилов, Митат Дурмуш, Наманган вилоятидан шоира ва таржимон си-

фатида камина Бахтиёр Ваҳбзоданинг юксак шеърляти ҳақида сўз айтди.

Сўзга чиққанларнинг барини айтишим са-



баби, буюк шоир тўғрисида хотира ва билганларини айтиш саодати бор иштирокчилар эди улар. 100 йиллик юбилейлар кўнлди, аммо ватанпарвар, озодлик куйчиси Бахтиёр Ваҳбзоданинг юбилейи ҳаммасидан бошқача табиий, самимий ўтди. Мен ҳам билганларимдан айтдим: 1980 йил ёзида Тошкентда “Озарбайжон адабиёти ва санъати” декадасига қаттиқ тайёргарлик жараёни бошланган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига мени ҳам қақиритиб, қардош шоирларнинг шеърларини берилди. Академик шоир Бахтиёр Ваҳбзода,

ленкоранлик Шакар Арслонларнинг шеърлари таржимаси менинг чекимга тушди.

Мен у пайтлар Москвадаги Максим Горький номдаги адабиёт институтида ўқир эдим. Жуда тезлик билан Бахтиёр Ваҳбзоданинг ўзбек шоири Рамз Бобожонга ёзиб берган китобидаги асарларни ўғиришни бошладим. Ва улар республика газеталарида пайдар-пай босилди.

Ушанда “Тошкент оқшоми”, “Ёш ленинчи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарининг янги сонларини олиб, анжуманга бордим. Озарбайжон адабиётига бағишланган мухташ тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов “Тошкент оқшоми” газетасида чиққан “Бири сансан, бири ман” шеърини илк марта қўшиқ қилиб айтди. Гулдурос қарсақлар садоси остида муаллиф миллатлараро дўстлик ҳақида гапирди ва шеърларнинг таржимаси учун ёш шоира — каминага раҳмат айтди. “Менинг таржимон қизим”, деб мени алқайди. Уша кўркам саройда бизни таништиришди. У миннатдорлик билдириб: “Энди сен Озарбайжоннинг ҳам қизи бўлдинг”, деган эди. Тадбирга Москвадан келган шоир, “Огонёк” журналининг бош муҳаррири Владимир Сафронов: “Русча шеър-

2022 йил 120 нафар озарбайжон шоири шеърларини таржима қилиб, 408 саҳифалик “Озарбайжон шеърляти антологияси” китобини нашрдан чиқардим. Озарбайжон Ёзарлар бирлиги қошидаги “Нотавон” клубида ҳаёт муаллифлар билан тақдирот ўтказдик. Уша йили мени Озарбайжон Ёзарлар бирлиги аъзолигига қабул қилишди. Ҳар сафар Бокуга келганимда устоз Бахтиёр Ваҳбзода қабрини зиёрат қиламан ва унинг шеърларини ўзбекчалаштирган-нимдан хурсанд бўламан!

Ўзбекистонда эса халқ артисти Ортиқ Отажонов ижросида жаранглаётган менинг таржимамдаги “Бир булоқнинг икки кўзи — бири сансан, бири ман, Бир олманинг икки юзи — бири сансан, бири ман” қўшиғи кўнгилларни хушнуд қилади. Бугун тақдир шоирнинг ёлғиз қизи Гулзорхонимга рўбарў қилди. Мен унинг Ўзбекистондаги сингислиман. Олқишлар садоси остида Бахтиёр Ваҳбзоданинг “Мен Бахтиёрман” шеърини ўқиб бердим.

Кейинги тадбир юбиляр шоирнинг уй-музеида бўлди. Ҳар тарафда шоирнинг суратлари, катта паннолари билан бошланадиган музей хоналари портретлар, муқофоту унвонлари, турли китоблари, қўлёзмалари билан муштарак. Сув сатҳидан 1200 метр баландликдаги Кавказ тоғларининг орасида Шаки деган гўзал шаҳар бор. Маҳалла, кўчаларидан мухлислари мўралаб турган тоғли қишлоқда, бувиси билан бобсининг эркаси бўлиб ўсган Бахтиёр тўққиз ёшни тўлдириб, тоғдан шаҳарга тушиб ўқиган. Университетдаги тадбирда шоирнинг чевараси, Гулзорнинг 21 ёшли набираси Чингиз Абдуллаев шоирни ёдга солиб: “Менинг бобом!” деб фахр билан эслади.

“Бобом мен олти ёшимда у дунёга кўчиш қилган, кичкина эдим, лекин жудаям севаман уни!” дегани ҳаммага хуш келди.

Тадбир сўнгига Гулзор Ваҳбзода билан кўришдик. Мен қувонч билан Ўзбекистондан келтирган китобларини яшил адрес сумкага солиб, ҳада қилдим. У мени бағрига босиб, синглим (божим) деб, отаси ҳақидаги хужжатларни яна йиғатганини айтди. Бокудаги уйларига меҳмонга чорлади, мен уни Ўзбекистонга таклиф қилдим.

Туркиялик шоирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорабў овоз этилгандан кейин Фузулий шаҳрида қуриб берган мухташам мактаби ҳақида эсладилар.

Ўзбекистон — Озарбайжон давлатларининг ҳамкорлиги мустаҳкамланаётгани тиллардан тилларга ўтаётганининг исботи бу.

Дўстлик кўприги қурилишида озодлик, биродарлик куйчиси, халқ шоири, академик Бахтиёр Ваҳбзоданинг ҳам, уни ўзбек тилига таржима қилган Жамол Камол, Жуманиёз Жабборов, Тоҳир Қаҳҳор, Қозоқбой Йўлдошев сингари адибларимизнинг ҳиссаси катта.

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
“Мураббий” газетаси бош муҳаррири,
шоира, таржимон,
Ўзбекистон ва Озарбайжон
Ёзувчилар уюшмалари аъзоси,
“Дўстлик” ордени соҳибаси.

ҲАМКАСБ

“ИШДАГИ ИШҚ”

Бу сарлавҳани танлашимизга кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган тележурналист устозларим Ҳабибулло Абдуллаев ва уларнинг умр йўлдошлари Инобат Абдуллаевалар сабаб бўлди, десам, бўлмаган. Чунки бу оддий ва самимий инсонларга шогирд бўлган кўплаб журналистлар қаторида биз каминларнинг ҳам борлигидан фахрланаман.

Бу инсонларнинг тақдир йўллари гўёки барчамизга жуда таниш ва сеvimли бўлган “Ишдаги ишқ” бадийий фильмининг ҳаётий давомига ўхшайди. “Қандай қилиб?” дейсизми?

Устозим Инобат Абдуллаева билан мулоқотда уларга юзланиб: “Устоз, телевидениеда салкам қирқ йил ишлаш сизга нима берди?” деб савол билан мурожаат қилдим. Улар ўзларига хос камсқўмлик ва самимий табассум ила: “Очигини айтадиган бўлсам, ижодда омад, ҳаётда бахт берди”, деди. “Қандай қилиб?” десам: “Бир умрлик йўлдош, касбдош, сирдошимни шу манзилда учратганим”, — деди қўлимсираб.

Бундай жавобдан қизиқишим ортиб, батафсилроқ билиш илинжида уларга ҳайратомуз қараб қолдим.

“Ха, шундай. “Қиз бола палахмон тоши, қаерга бориб тушса, уша ерда унб-ўсиб, туб қўйиб, палак ёзади”, дейишса, ёшлиқда унча аҳамият бермаган эканман, бугунги кунга келиб, ўзим бу гапларнинг нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўлялман.

Телевидениега ишга келганимда, ҳамкасб жуфтликлар Эргаш ака ҳамда Роза опа Рахимова, Мели ака ва Тамара опа Маҳкамваллар, Дияз Раҳманов ва Нзия Раҳманова каби инсонларга ҳавас билан қараган эканманми, билмадим, лекин тақдир менга ҳам шундай ҳаётни насиб этди.

Мен “Ёшлик” студиясида катта муҳаррир, Ҳабибулло ака музика кўрсатувлар бўлимида муҳаррир бўлиб ишлар эди. Танишувимиз бошида йўлимдан чиқиб қолсалар: “Инобат, ишдан кейин уйингизга кузатиб қўйсам бўладими?” деган таклиф билдириб юрдилар.

Кейинчалик эса “ёзган ҳажвий миниатюраларимни кўриб беринг”, деб баҳона топишга ўтирдлар.

Мен яхши билган, менга ботиний дил изхорини айта олмаган йигитлар: “Ҳабибулло, ўйлаб иш қил, бу қизга кўпчилик йигитларнинг тиши ўтмаган, яна қулги бўлиб қолмагин”, дейишган бўлса, синфдош дўстлари эса: “Бу даргоҳда яхши

қизлар ишламайди, деб эшитганмиз, эҳтиёт бўл”, дейишганини кейинчалик гапириб берганлар.

Охир-оқибат улар ишхонадаги дўстлари билан баҳс бойлашиб: “Мана, кўрасизлар, шу қизнинг муҳаббатига сазовор бўламан”, деб ҳаётда сўзларининг устидан чиқиб, муҳаббатларига содиқ бўлиб келяптилар.

Мен роса қайсарлик қилиб: “Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл?” дейишди, келиб-келиб, сизни танлайманми?” деб икки-уч ой ўзимча ноз қилиб юрганман. Ўзим Қибрай туманининг қизи эдим-да.

Ҳамкасбимиз, қўшиқчи шоир, катта муҳаррир (охиратлари оқиб бўлсин) Анвар ака Исроилов менга алоҳида хурмат билан шеърларимни кўриб бериб юрганликлари учун танишувимиздан хабар топиб: “Инобатхон, Ҳабибулло укамиз яхши йигит, бизниям, сизиниям ишончингизни оқлайди. Худо хоҳласа, осмонга чиқсангиз оёгингиздан, ерга тушсангиз қўлогингиздан тортиб, тўйларингизни ўзим олиб бораман”, дедилар, ҳазилга йўйиб, аҳамият бермай қўлган эдим. Шу гапларга фаришталар “омин” деган эканми, тўйини Анвар ака Исроиловнинг ўзлари олиб борганлар.

Ёши улуғларимизнинг “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” дейишлари бежиз эмас экан”.

Камтарин ва камсқўм, ўша самимий бўлган устозим Ҳабибулло ҳожи ота суҳбатга аралашар экан: “...Айниқса, матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрами куни бўлиб ўтган ажойиб бир воқеани эсламай иложи йўқ”, деб қолдилар...

“Ҳар йили мана шу касб байрамимиз нишонланадиган 27 июнь санасида Инобат ҳожи она устозингизга бир даста оқ атиргул совға қилар эдим.

Бу йил эса жаррохлик операциясидан сўнг, мана, икки йилга яқинлашиб қолди, икки оёғим ишламай, ногиронлар аравасига михланиб қолдим.

Эҳ аттанг, атиргулларини олиб келишни кимдан илтимос қилсам экан, деб турсам: “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатуви бошловчиларидан бири, энг содиқ шогирдим бўлган Фахриддин Самадов телевидение раҳбарияти бизга атаб жўнатган қимматбаҳо совғалари билан Инобатхонга бир даста оқ атиргул олиб келганини кўриб, кўзларим қувонч ёшлари билан намланди.

Яхши ният яхши-да. Орада шунча масофа бўлишига қарамай, Тошкент ва Нурафшон (аввалги Тўйтепа) ораллиғида менинг кўнглимдан ўтган ўй-хаёл шогирдимнинг дилига қан-

дай етиб борди экан-а? Гул бозордан бошқа гуллар эмас, айнан оқ атиргулларини олибди, қаранг!

Шогирдимни бағримга босиб сўрашар эканман, гулдасгани олиб, Инобатхонга узатдим. Унинг кўзларидида севинч ёшларини кўриб, Фахриддин ҳайрон бўлиб қолди. Уни тинчлантириб: “Ҳечқиси йўқ, бу чин дилдан севинганлари. Ҳар йили шундай гулдастани ўзим совға қилардим. Бу юролмай қолган оёқларимга сиз оёқ бўлиб қўтариб келганингизга лол бўлиб йиғлаяптилар”, дедим”.

Умр, тақдир деганлари шу экан. Икки устозимизнинг оила қурганларига ҳам салкам 50 йил бўлибди.

50 йил — ярим аср демак. Бу давр ораллиғида устозларим ҳаётида хилма-хил баланд-пастликлар, йўқотиш-у топишлар кўп бўлган.

“Ишдаги ишқ” натижаси ўлароқ, улар бугунги кунда икки қиз — Дурдонахон ва Нодирахон, ўғиллари Зафаржонларнинг сеvimли ота-онаси, ўндан ортиқ шириндан-шакар на-бираларига эҳтиқ бобожони-бувижони бўлиш билан бирга, дуоғўй жўжа ота ва ҳожи она макомига эга бўлиб, умргузаронлик қилиб келишяпти.

80 ёшни қоралаб қолган бу устозларим ҳали-ҳамон инсонларга меҳр улашишда, ёшларга ҳаёт жумбоқларини тўғри ечишда туман ва шаҳар ҳамда маҳалланинг хайрли ишларида бош-қош бўлишяпти.

Умр — оқар дарё, ҳаёт эса ортага қайтмайди. Улар босиб ўтган тақдир йўлларига бир назар ташлар эканман, Ҳабибулло Абдуллаев севиб, елиб-югуриб, меҳр билан тайёрлаган “Даврамизга марҳабол!”, “Марҳабо, талантлар”, “Ёшлар куйлаганда”, “Назм ва наво”, “Ҳазал оқшоми”, “Дутор ва тан-бур тароналари” ҳамда ҳафтанинг ҳар жума куни тоғида эфирга узатиладиган “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувлари кино лентаси каби кўз ўнгиларидан ўтишини ёдга олиб ўтдилар.

Инобат Абдуллаеванинг эса “Қизлар давраси”, “Студентлик — олтин даврим”, “Ҳазалхон ёшлигим”, “Эъзоз”, “Онамнинг ўғитлари”, “Қишлоқ ёшлари”, “Одамлар ва тақдирлар” кўрсатувлари, шунингдек, уларнинг “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви муаллифлик кўрсатувининг олийгоҳлар талабалари ўртасида ўн иккита сонини тайёрлаб, эфирга узатганликлари, бу кўрсатуви тайёрлашга туртки бўлган “КВН” китобини ўқиб, унинг ҳар бир ҳарфига шеър ёзиб, талабаларнинг бадийий саҳналарини ҳам ўзлари ёзиб берганликлари, ҳозирда уни “ўзиники” қилиб олган Олимжон Худойназаров-



нинг бунга ҳеч қандай дахли йўқлигини сўзлаб бердилар.

Улар бугунги кунда ҳам ижоддан тўхтамаган ҳолда “Онамнинг ўғитлари”, “Ҳаж хотиралари”, “Ҳаёт жумбоқлари”, “Ихлос — халос” китобларини ёзиб, сиз азиз мухлис-ларга тортиқ қилиш билан бандлар.

“...Яна бир муҳим гапни айтишни унутишимга бир баҳя қолибди, — дея суҳбатга нуқта қўйишга йўл бермай, гапирар кетдилар Инобат ая. — “Устоздан ўзмаган шогирд — шогирд эмас”, деганларидек, шогирдим — “Шухрат” медали ва “Олтин қалам” соҳибини, кўплаб китоблар муаллифи Саодат Урмонова ҳам мен сабабчи бўлиб, бир умрлик жуфти халопи, спорт кўрсатувлари режиссёри Анваржон Урмонов билан тақдир ришталарини боғлаган.

Шу тариқа Қўшоқова қизимиз Урмонова бўлдилар. Икки ўғил ва бир қизни дунёга келтириб, кўплаб набираларнинг бобо-бувижонлари бўлиб яшаб келишмоқда”.

Шоира УМРЗОҚОВА,
журналист.

✓ ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ҚАНОАТСИЗЛИК ОРТИДАГИ КУЛФАТ



Кишилик жамияти эркагу аёлдан пайдо бўлган. Аёл зоти ҳаётда онамиз, жуфти ҳалолимиз, опа-сингилмиз, қизимиздир. Аёл киши, аввало, она сифатида қадрланади. “Жаннат оналар оёғи остида”, деб марҳамат қилинади.

Шариатга кўра, аёл турмуш ўртоғига итоатсизлик қилса, аввало, унга чиройли насиҳат қилиш, бу таъсир қилмаса, ётоғини алоҳида қилиш, бу ҳам кор этмаса, унга озор бермайдиган даражада уришга изн берилади.

Эркаklar ҳам ўз аёллари билан гўзал муомалада бўлиши, тинч-тотув турмуш кечириши лозим.

Фаҳм-фаросатли, зукко аёл эрининг мол-мулкини кўз қорачигидай асрайди. Эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматини жойига қўяди. Пардозни кўчага чиққанда эмас, эри ишдан келишига қилади. “Эринга эътиборли бўлгин, чунки у сенинг учун ё жаннатнинг ёки дўзахингдир”, дея бежиз айтилган.

Мақоламининг кириш қисмини шу ерда мухтасар қиламиз.

Турли оила можаролари изидан йўлга тушамиз.

УЧРАШУВ

Аёл кўзини очса, соч-соқоли оппоқ, узун оқ либос-лари ўзига ярашган, файзли, нур юзли нурунийлар рў-парасида турибди.

— Сиз кимсиз, мен қаердаман?

— Сен туш кўрмаялсан! У дунёдаги ҳаётинг ту-гади. Сен энди чин дунёга етиб келдинг. Охират ҳаё-тинга бошланди. Биз виждон кўзгусимиз.

— Виждон кўзгуси?! У нима дегани, тушунтириб бера оласизми?

— Бу манзил охириг йўлнинг бошланishi.

— Нима, мен ўлдимми?

— Фоний дунё тили билан айтаганда, сен вафот этдинг!

— Мен ўлмадим! Нега мен ўлишим керак? Мен ўл-маганиман!

— Нега ҳайрон бўлялсан, нима, ҳеч ўлмайман, деб ўйлаган эдингми?

— Ўлим ҳақ эканини яхши биламан, негадир шошиб қолдим. Касалхонада туш кўраётган эдим, анча туза-либ ҳам қолган эдим.

— Унинг шартларини ёлғиз Аллоҳ қилади.

— Энди нима бўлади, савол-жавоб бошланамиди?

— Бошланди, десак ҳам бўлаверари. Олган ҳар на-фасинг ва гапирган сўзундан тортиб, бутун умрини-нинг ҳисобини берасан!

— Йў-э, қанақасига?

— Ҳисоблашишга тайёрмисан?

— Тайёрман, аммо роса кўрқиб кетялман. Етарли даражада Аллоҳга қўл бўла олмадим. Менга яна бир марта имконият, ҳаёт тақдим этилса, яхши инсон бўлишга ваъда берар эдим.

— Дунёда яхши инсон бўлишинг учун сенга қўл фур-сат ва имкон берилган эди. Сен улардан тўғри фойда-лана олмадинг.

— Мен қўлимдан келгунча мўмина бўлишга ҳара-кат қилдим, лекин бошимга шундай синовлар кел-дики...

— Демак, ўзингни ўлдирмоққа аҳд этдинг!

— Бошқа илжани қолмаган эди.

— Жон Аллоҳнинг омонати эмасми?

— Тўғри, аммо бошимга келган шунча мушкулот-дан кейин ўзимни қўлга ололмадим.

— Аммо Аллоҳнинг ўзи сени қутқарди.

— Агар ўзимни ўлдирмаганимда нима бўларди?

— Жон неъматинг инсонга унинг ўзи хоҳлагани учун эмас, Аллоҳ иродаси билан тақдир қилинади.

— Аммо мен қурбон бўлдим. Чиройли оила қуриш имкониятини бой бердим.

Уларнинг турмуши чиройли бошланди. Дангиллама бўлмаса-да, мўъжазгина ҳовлига келин бўлиб тушди. Изма-из икки фарзандли бўлди. Ташвиш ҳам шунга яраша ортиб борди. Хотин уйда болалар тарбияси, эр эса рўзгор ташвиши билан банд, ойда тоғани уйма-уч етади. Келин ота уйда эрка ўсмаганим, турмушдаги камчиликлар асабига тега бошлайди. Арзимаган нар-саларни баҳона қилиб, ота-онасиникига кетишни одат қилади.

УЧРАШУВ

— Эриндан, оиландан кўнелинг нега бирдан со-види?

— Етишмовчилик сабаб. Уйимизга ҳафтада бир-икки кило бўшт кирарди, ҳомиладор пайтимида ҳам, кейин ҳам кўнелим туссаган нарсани емаганман, дас-турхонимиз ҳеч қачон бут бўлмаган.

— Сабр қилиш лозим эди. Булар уйга кетиб қо-лишга сабаб бўлолмайди.

— Эрим келишган йигит, хушторлари шунга яраша, деган гумонга борганман.

— Шубҳа ймонни етиради, зийтмаганимдинг?

Эринги неча марта қўлга туширгансан?

— Подлоқчилик қилмаганман, аммо рашик баланд эди, бу рост.

Эрининг биргина синглиси бор. Аввалига апоқ-ча-поқ ашаган янга ва турмушга чиқмаган қайнсинглининг оралари кейин бузилади. Икки ҳафтада ота-онаси зиё-ратига келиб, янгисининг қош-қовоғига базур чидарди.

УЧРАШУВ

— Мен келин бўлиб тушганимда қайнсинглим уни-верситет талабаси эди. Табиатан қизганчқман, у эса менинг шахсий буюмларимни сўрашдан ҳеч ти-йилмасди. Йўғида эса хонамни титар, кўнели иста-ган нарсасини олиб кетар эди.

— Қўли очикчи, муро-са, деган гаплар бор эди у ду-нёда. Мол-дунё кимлардан қолиб кетмайди. Буюмла-рина қамайиб қолармиди ушунда?

— Йўқ, айтдим-ку, қизганчқ ўсганман, деб.

— Оиланг тинчлиги учун у билан муросага бори-шинг кераклигини билмасиндиг?

— Билардим, лекин гурурим йўл қўймасди.

Бир сафар фарзандларини олиб, уйига аразлаб кет-гани ҳолда бир йилга яқин қолди. Ота-она бошчилигида катта гуруҳ уч машинада келиннинг кўч-кўронини кўта-риб, хонадонни хувиллаб кетди. Келиннинг кетиб-ке-лишига кўнликкан кўни-қўшчилар ҳайрон, поп. Ажраша-ман, болаларни ўзим боқиб оламан, деб туриб олди. Йигит ҳам унинг йўлини тўсмади, кўнгли совиган эр хо-тинининг кетидан бормади. Жанжал чиқармаслик учун ҳатто қайнона уйига фарзандларини кўришга ҳам бор-мади. Ўзи пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзи есин, деди. Бу орада ажрашиш учун судга ариза бе-ришга ҳам улгурди.

УЧРАШУВ

— Ҳар оиланинг ўз сири бор. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслик, эрни шарманда қилмаслик тақозо этилади.

— Тўғри, бу масалада ҳам афсусдаман.

— Эр-хотиннинг орасини ислоҳ қилиш энг савобли амал. Ота-онанг ажрашиш ишига шунчалик енгил қа-радимми?

— Улар менинг гапимга ишонишар эди. Эрим мени мунтазам урар, ҳақоратлар, хўрлар эди, деганман.

— Аслида-чи?

— Ростки, эрим меҳрибон инсон, фарзандларини сўярди. Менга қўл кўтармаган. Аёллар билан юрарди, деб тухмат қилганман.

— Ажрашиш, талоқ қўйиш Аршни ларзага келти-ради. Судга мурожаат қилишнинг боиси нима эди?

— Ажрашиб болаларимга алимент ундириш, эримни шарманда қилишни ўйлаганман.

— Дуруст эмас. Оиланг бағрида оч қолаётганми-динг?

— Йўқ, уни жазоламоқчи эдим!

— Шунинг учун эрининг ишхонасига бориб, иш-коят қилган экансан-да?

— Аламимни ичимда сақлаш қийин бўлган оғир пайтлар эди.

— Сен маърифатли аёл бўла туриб, маҳкамада ҳам эрининг ишхонасига бўҳтон ағдардинг.

— Гуллик қилдим, ўшанда ундан тезроқ қутулишни истаган эдим.

— Суд ярашиш учун маълум вақт берди.

— Бу вақтга келиб ақлим кирди, кейин судга бошқа мурожаат қилмадим.

Белинг тўла бола, фарзандларинг катта бўлиб, ўз-лари сени топиб олади, деган мўйсафидларнинг гапла-рига куёв кўнмади, фарзандларини етим қилгиси кел-мади.

Келин ўз хонадонига қайтган, ширин турмуш узоққа чўзилмади. Сал ўтмай, яна эски “ашулалар” бошланди — рўзгорда камчиликлар, фарзандларга кийим-кечак етишмаслиги, эрининг ишга эрта кетиб, кеч қайтиши. Яна рашк, эрининг тўғри қадам ташламаётгани ҳақида ўйлаб топилган ҳикоялар давом этди.

УЧРАШУВ

— Бир марта таъзирингни еб қайтдинг, кейин яна эски ҳунарингни бошладинг...

— Фарзандларим соғлом улғайишини, кўзи тўқ бў-лишини истаган эдим.

— Ота-онанга “эрим уради, суради”, дея ёмонлаш-дан тийилмадинг.

— Бировнинг орқасидан гапириш, бировга тухмат қилиш одат тусига кириб қолган экан, ўзимни бош-қара олмадим.

— Атрофинда сенга насиҳат қиладиган яқин дўст, қариндошларинг йўқмиди?

— Ота-онам, қариндошларимнинг унча-мунча гап-ларига қулоқ солмасдим, ҳаётимни ўзим ҳал қиламан, деган тушунча билан яшадим, қайсарлик қилдим.

— Ҳозир ҳам пушаймон эмассан, шундайми?

— Кўзим очилгандек. Камчиликларни тузатишга имкон берилса, ундай қилқиларимни қайтармаган бў-лардим. Эримни ҳеч қачон хафа қилмасдим.

Йигит моли ерда, эрининг иши юришиб кетди. Жа-миятдаги эътибори юксалди. Келин пошшанинг егани олдида, емагани орқада. Эски уйини бузиб, янгисини тиклаб олди. Мебеллар алмашди. Фарзандлар олий маълумотли, кейин уйли-жойли бўлишди. Этаклари не-вараларга тўла бошлади.

Хизмат юзасидан эр хорижга тез-тез чиқиб турар, ҳар сафар ноёб, камёб нарсалар кўтариб келарди. “Уй омбори” тоза, асл буюмлар билан тўлди.

УЧРАШУВ

— Аёл фаҳм-фаросати билан эрига ҳузур бағиш-лаши, хонадонига фўйз-баракот келтириши керак. Сен эса эрининг асабини қайраш билан ўтдинг.

— Афсусдаман.

— Мол-мулкини асраш ўрнига уни сарфлаш билан овора бўлдинг. Унинг розилигини олмасдан мулкни ҳу-да-беҳудага сочдинг. Аёл киши эрининг изинсиз би-ровга ҳадя бериши жоиз бўлмайди, деган ҳикматнинг тескарисини қилдинг.

— Эрим ўшандай пайтларда “менинг хабарим бўлса, ҳалол” дегуечи эди. Эътиборсизлик қилдим. Ҳадя бериб, кимларнидир севинтирдим, аммо эримни хафа қилиб қўйганимни энди тушунаялман.

— Эринга итоат қилмай, доно, зукко аёл мақо-мига эришолмадинг. Унинг тоқатидан зиёб нарсаларга мажбур қилмаслик керак эди.

— Эримнинг қайфиятига қарамай, ўринсиз савол-лардан тилмни тия олмаганим, гина сақлаб ҳаф-талаб, ойлаб унга қовоқ-тумшук осганим, кўнглини олишга ҳаракат қилмаганимни назарда тутаятган бўлсангиз, ҳақсиз, айбимга иқромман.

— Ана, энди асосий мавзуга яқинлашдик. Ўз уйда тинчлик-хотиржамлик топмаган эр оёсиюшталикни бошқа жойдан излаб қолиши, шариятга тўғри келма-са-да, бор гап.

— Ҳаммаси ўша телефонимга келган “SMS”дан бошланди, кетидан Телеграм каналга юкланган су-ратлар мени қушоқдан чиқариб юборди.

— Наҳотки 25 йилда ҳам эрингни таниб ололма-ган бўлсанг?

— У кишининг менга хиёнат қилмасликларига ишо-нардим, албатта. Аммо ўша кун...

— Эринг ишдан қайтганда бафуржа гаплашиб ол-санг бўларди. Телефонда жеркиб гаплашганинг етма-ганидек, ишхонасига нима учун бординг?

— Ҳақиқатни излаб...

— Ҳўш, топдинми уни?

— Воқеанинг асл сабабини ўрганмасдан қизикқон-лик қилдим. Менга ҳар нарса аён, деб билибман. Шу-нинг учун пичоқ ишни битириши керак, деб хом ўйлаб-ман.

— Бир гуноҳсиз одамни ўлдирмоқнинг бадали нима эканини биласанми?

— Билмайман.

— Бир инсонни ўлдирган бутун инсониятни ўлдир-ган билан баробардир. Бу охиратда абадий оташда ёнмоқ дегандир.

Рашк илоҳий туйғу, мўймин кишига хос хусусият. Аммо мўътадил, васваса даражасига ўтмаган рашк яхши сифатдир. Рашк билан шубҳа-гумон фарқланади. Гумонга бориб, аёл ўзининг умрига зомин бўлди. Бошқа аёлга пичоқ ўқталиб, уни юрак хуружига мубтало қилди. Ўзини хазон қилди. Ўртада фарзандлар етим қолди. Онали етим — гул етим, отали етим — шум етим.

УЧРАШУВ

— Янглиш иш қилдим. Қўл пушаймонман.

— Сен бу ерда ёлгон гапирмадинг, тўғриси уни айт-маганинда, ростини сенга айттиришар эди. Одам-лар жаҳаннамга сабабсиз тушмас экан, шундайми?

— Шундай.

— У дунёга сиғмаган зулмни жаҳаннам тозалайди.

— Энди менинг аҳолим нима бўлади?

— Сен ўзини нима деб ўйлайсан?

— Билмайман.

— Аввало сендан кундалик ибодатларни сўрашади.

— Имкон қадар бажаришга ҳаракат қилганман.

— Бу жуда муҳим.

— Агар қолганларини бажаролмаган бўлсам-чи?

— У замон Ҳақ рисо-си учун қилинган амаллар ёр-дамга келади...

“Исломда инсонга сажда қилиш йўқ, агар бўл-ганида, аёлларнинг эрларига сажда қилишларини буюрган бўлардим”. Ушбу ҳадиснинг-да маъноси аён: аёл эрига итоатда яшамоғи, борида тоқат қил-моғи керак. Бошқа ҳадиси шарифларда аёл киши фарзларни адо этиб, эрига итоатда бўлса, жан-натнинг истаган эшигидан кириши айтилган. Эрга итоат қилиш аёл кишининг қадрини пастлатмайди, аксинча, бу унинг қадрини улғайлади. Ахир хоти-нига итоат этган эрга жаннат ваъда қилинмади-ку.

Шунингдек, эркакнинг ҳам аёлига нисбатан масъ-улияти бор. Аёл кишининг ёб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминланиши учун эркак масъул, бу эркакнинг зиммасида. Оилани моддий жиҳатдан таъминлаш эркакнинг вазифаси. “Аёллар эркак-ларнинг туғишганларидир”, деб бежиз айтилмаган. Ҳаёт сир-синоатларга тўла. Ҳақиқий бахт ҳис-туйғуларни жияовлашдан, эр-хотиннинг эҳтиёж ва мажбуриятларга ҳурмат ҳамда масъулият би-лан ёндашишдан, гина-қудуратга берилмай, араз-лашмасдан, яхши-ёмон амалларга сабр қилишдан иборат эмасми?

Эр-хотиннинг ўзаро келишиб, бир-бирини тушу-ниб яшамоғида катта наф, эзгулик бор: ажримлар бўлмайди, болалар етим қолмайди, жамиятга хо-тиржамлик инади...

Аброр ҒУЛОМОВ

✓ ШАРҲ

“АҚЛГА СИҒМАС КҮН”

ёки Фаластин ҳукуматининг эртаси қандай бўлади?

Шарм аш-Шайхда яқинда, яъни 13 октябрь куни 20 дан ортиқ жа-ҳон етакчилари иштирокида халқаро “тинчлик саммити” бўлиб ўтди. Унда Ғазо секторида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги декларация им-золанди.

Воситачи давлатлар – Миср, Қатар, Туркия ва АҚШ – Исроил ҳамда ХАМАС ўртасидаги келишувни расман мустаҳкамлаган ҳужжатга имзо чекишди. Тўрт мамлакат Ғазодаги урушга чек қўйишга қаратилган келишувларнинг кафили сифатида иштирок этишга розилигини билдирди.

Трамппнинг сўзларига кўра, декларацияда икки йил аввал бошланган мо-жаронинг кескин босқичини тугатиш йўлидаги кейинги қадамлар бўйича “қоидалар ва низомилар” белгиланган. Америка етакчиси 13 октябрни “бутун дунё ва Яқин Шарқ учун ақлга сиғмас кун” деб атади.



Абдулфаттоҳ ас-Сисий “икки давлат” концепциясига таяниб, низоми ҳал этишга қақирди. “Трамп режаси Фаластин давлатини яратиш имкониятини назарда тутати, аммо бу фақат Ғазо секторидаги узоқ ўтиш даврдан ва Фа-ластин Мухторияти томонидан ислохотлар жараёнидан кейингина амалга оширилади”.

Оқ уй раҳбарининг ўзи икки давлат асосидаги ечим ҳақида гапирмади. ХАМАС ва Нетаньяху имзолаш маросимида иштирок этишмади. Туркия унинг иштирок этмаслиги бўйича “дипломатик ташаббус” билан чиққан эди.

Тинчлик режасининг биринчи босқичида Исроил қўшинлари Ғазо секто-рининг қатор туманларидан олиб чиқилди, бу эса юз минглаб фаластинлик-ларга илгари тарк этишга мажбур бўлган уйларига қайтиш имконини берди. Инсонпарварлик ташкилотлари бир неча ой давомида минтақага киритил-маган катта ҳажмдаги ёрдамни етказиб беришга тайёрланмоқда.

Кейинги босқичда ХАМАСни қуролсизлантириш, Ғазо учун урушдан ке-йинги ҳукуматни тузиш ва Исроил қўшинларини олиб чиқиш кўламини аниқ-лаш масалаларини ҳал қилиш керак бўлади.

Жаҳон банки ва Мисрнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ғазони қайта қуриш учун 53 миллиард доллар талаб қилинади. Миср ноябрь ойида реконструк-ция бўйича конференция ўтказишни режалаштирмоқда.

Тахлилчилар Трамп ХАМАС-Исроил можаросини тугатиши зарур, Ис-роилнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган хатти-ҳаракати АҚШ обрўсига путур етказмоқда, деган фикрни илгари сурдилар. “Биз биргаликда имконсиз нар-сага эришдик”, Трамп бунга “3 минг йил кетганини” қўшимча қилиб, келишув амал қилишига ишонч билдирди.

“Дом Учинчи жаҳон уруши Яқин Шарқда бошланади дейишарди. Бу со-дир бўлмайди”, деб баёнот берди у.

Аброр ХОН

✓ ХОРИЖ

ПРЕЗИДЕНТ МАМЛАКАТДАН ҚОЧИБ КЕТДИ

Мадагаскар президенти Андри Ражоелина ёшлар намоийши фониди мамлакатдан қочиб кетди. Бу ҳақда муҳолифат раҳбарлари ва бошқа расмийларга асосланиб, “Reuters” агентлиги хабар берди.

Мадагаскар президенти оммавий норозиликлар ту-файли халққа қилган муро-жаатда ўз ҳаётини асраш учун хавфсиз жойга кетишга мажбур бўлганини айтиди. У ўзининг қардалигини ош-кор қилмади, аммо “Мада-гаскарни вайрон қилишга йўл қўймаслигини” таъкид-лади. Дипломатик манба президент истеъфого чи-қишни рад этганини хабар қилмоқда.



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Қирғизистон президенти маъмурияти ўлим жазосини қайтариш учун Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйди.

Унинг мақсади болалар ва аёллар ҳаёти ва соғли-гини оғир жиноятлардан, жумладан, номусга тегиш ва қотилликдан ҳимоя қилишни кучайтиришдан иборат. Та-шаббус муаллифлари мам-лакатда бундай жиноятлар сони ортиб бораётгани ва айбдорлар учун “жазонинг аниқ чегараси” зарурлигини таъкидламоқда.



340 КАРАТЛИК УЛКАН ОЛМОС ТОПИЛДИ

Россияда яна бир жаҳон миқёсидаги қимматбаҳо топилма аниқ-ланди. Арангелск вилояти ҳудудида оғирлиги 340 каратга тенг бўлган улкан олмос қазиб олинди. Мутахассислар бу тошни замонавий Россия тарихида топилган энг йирик бешта олмос қаторига киритди.

Маълумотларга кўра, тош-нинг ўлчами 50×39, 4×24,8 миллиметр бўлиб, у саноат миқёсида қазиб олиш жараё-нида топилган энг катта та-бий кристаллардан бири ҳи-собланади. Маълумотларда таъкидланишича, бу ноёб тош жуда соф ва юқори шаф-фофликка эгадир.



Интернет маълумотлари асосида Мухаммадсодик ТЎРАЕВ тайёрлади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети нафақат ўзининг бой тарихий мероси ва илмий анъаналари билан, балки замонавий таълим ва илм-фан учун яратилган кенг имкониятлари билан ҳам минтақада етакчи олий таълим муассасаларидан биридир. Университетда таълим сифатини ошириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун қулай ва самарали илмий муҳит яратиш мақсадида кенг қўламли инфратузилма ва шароитлар яратилган.

1935 йилда асос солинган бу қадимий илм маскани бугунги кунда нафақат Хоразм, балки бутун мамлакат таълим тизимида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Ҳозирги кунда университет таркибида 10 та факультет, 43 та кафедра фаолият юритиб, ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Таълим муассасасида 100 дан ортиқ бакалаврият йўналишлари ва 40 дан зиёд магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бугун бу даргоҳда 26 мингдан ортиқ талаба билим олаётгани унинг салоҳияти ва нуфузини яққол намоён этади. Урганч давлат университети замон талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, илмий ва маънавий марказ сифатида юксалишда давом этмоқда.

Университетнинг асосий таянчи — бу илмий салоҳиятли, юқори таърибга эга профессор-ўқитувчилар жамоаси саналади. Улар нафақат дарс берадилар, балки талабаларга чуқур назарий билим ва мустаҳкам амалий кўникмаларни сингдирадилар. Жамоа таркибида фан докторлари, профессорлар, илмий унвонга эга олимлар, шунингдек, хорижий мамлакатларда таърибга ортирган малакали мутахассислар фаолият олиб боришлари — ўқув жараёнининг замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда 60 нафардан зиёд фан доктори, 345 нафар фалсафа доктори фаолият юритмоқда. Қолаверса, профессор ва доцентларимиз сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Ана шундай кучли илмий салоҳият ва таърибга таянган ҳолда Урганч давлат университети талабалари келажакда рақобатбардош, мустақил фикрловчи ва юқори малакали кадрлар сифатида шаклланиб бораётганлари билан фахрланиш мумкин.

Бугунги кунда Урганч давлат университетида илм-фан тараққиётига хизмат қилувчи 6 та Илмий кенгаш фаолият олиб бормоқда. Бу кенгашларда 12 та ихтисослик бўйича илмий даражалар берилиши йўлга қўйилган.

Ушбу илмий кенгашлар нафақат ёш олимларнинг изланишларига йўл очади, балки фан ва амалиётнинг янги ютуқларини ҳаёта таъбиқ этишга хизмат қилади. Айниқса, ўз диссертациясини ҳимоя қилаётган тадқиқотчилар учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, бу эса минтақамизда илмий муҳитни янада юксалтиришга, салоҳиятли кадрлар сафини кенгайтиришга замин яратмоқда.

Илм-фан, инновация ва амалиёт уйғунлиги — Урганч давлат университети фаолиятининг бош тамойилидир. Бу ёндашув орқали таълим жараёни фақат назария билан чекланиб қолмай, балки амалиёт билан чамбарчас боғланади. Университетда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, стартап лойиҳалар, халқаро грантлар ва илмий марказлар фаолияти — буларнинг барчаси талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг ташаббускорлиги ва янгиллик яратишга бўлган иштиёқини кўллаб-қувватлашга қаратилган. Натижада ёш авлод нафақат билим эгаллайди, балки ўз ғоялари ва илмий ишланмалари билан жамяят тараққиётига ҳисса қўшадиған, глобал миқёсда рақобатлаша оладиган кадрлар сифатида камол топади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда даргоҳда 3 та

КЕЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР



йўналишда фаолият юритувчи 6 та замонавий илмий лаборатория мавжуд бўлиб, улар илм-фан ва инновацияларни амалиётга таъбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги лабораторияси янги маҳсулотлар яратиш, кимёвий таҳлиллар ўтказиш билан шуғулланиб, диссертациялар, ихтиролар ва монографиялар билан ютуқларга эришмоқда. Геоахборот тизимлари лабораторияси қишлоқ хўжалиги ва туپроқшуносликда геоахборот технологияларини (ГАТ) қўллаш орқали фойдаланиш моделларга эришмоқда. Материаллар хусусиятлари ва яримўтказигчлар физикаси лабораториялари илмий мақолалар, ихтиролар ҳамда докторлик ишларига асос бўлмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари лабораторияси эса самарали қуёш панеллари, шаффоф қопламалар ҳамда инновацион қурилмаларни яратишга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда ушбу лабораториялар негизда бир қатор докторлик диссертациялари ёқланганлиги, "Scopus" журналларида мақолалар эълон қилингани, монографиялар чоп этилганлиги, фойдаланиш моделлар ва ихтиролар яратилгани — УрДУ илмий салоҳиятининг ёрқин тасдиғидир.

Университет бугунги кунда халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириб, 35 дан ортиқ мамлакатнинг 200 дан зиёд нуфузли олий таълим муассасалари билан шартномалар имзолаган. Ушбу ҳамкорликлар доирасида академик алмашинув дастурлари, қўшма илмий лойиҳалар ва таълимий ташаббуслар изчил ривожланмоқда. Натижада талабалар ва профессор-ўқитувчилар хорижий олийгоҳларда ўқиш, ўқитиш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятига эга бўлиб, бебаҳо таърибга ортирмоқдалар. Энг асосийси, ўқув жараёнига илгор хорижий таъриббаларини таъбиқ этиш, таълим сифатини ошириш мақсадида АҚШ, Германия, Словения, Туркия ва Россия каби қатор мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан хорижлик профессор-ўқитувчилар мунтазам жалб этилмоқда. Улар нафақат маърузалар ўқиш, балки семинар-тренинглар ўтказиб, ёшларнинг билим ва кўникма-

ларини глобал талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Халқаро миқёсдаги бундай ташаббуслар Урганч давлат университетининг нуфузини юксалтириб, уни минтақадаги энг илгор олий таълим масканларидан бирига айлантириб бормоқда.

Урганч давлат университети нафақат билим маскани, балки ёшлик қувончлари, орзу ва интилишлар майдонига айланмоқда. Бу ерда 50 дан ортиқ турли тўғараклар фаолият олиб бориб, ҳар бир талабага ўз ихтидорини юзага чиқариш, янги қизиқишларни кашф этиш имконини бермоқда. Спорт майдонларида тўп сураётган ёшлар, сахнада миллий кадриятларни акс эттираётган истеъодлар, интеллектуал ўйинларда тенгсиз билимини синовдан ўтказаятган талабалар, фестивалларда қалбларни жўш урдираётган санъаткорлар — буларнинг бари Урганч давлат университети ҳаётининг ёрқин манзарасидир. Энг муҳими, бу фаолиятлар орқали ёшлар нафақат билимли мутахассис, балки мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, баркамол шахс сифатида камол топмоқда. Чунки бу даргоҳда ҳар бир та-

учун яратилган қулай ва хавфсиз ётоқхоналар эса нафақат яшаш шароитларини, балки таълим олиш ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш имкониятини ҳам беради.

Урганч давлат университетининг барча бинолари бугунги замон талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, кенг ва қулай аудиториялар, амалиёт хоналари ҳамда замонавий лабораториялар талабаларнинг сифатли таълим олиши учун хизмат қилмоқда.

Ҳар бир факультет ўз соҳаси бўйича замонавий техника ва ускуналар билан таъминланган махсус ўқув хоналарига эга. Бу эса талабалар учун нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки уларни реал амалиётда синаб кўриш имконини беради. Факультетларда фаолият юритаётган инновацион лабораториялар эса ёшларнинг илмий изланишлари ва креатив ғояларини рўёбга чиқариш майдонига айланган. Ана шундай шароитлар тўғрисида талабалар назарий билимларини амалий таърибга билан уйғунлаштириб, келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида шаклланиб бормоқдалар.

либ, университетнинг барча факультетлари ва талабалар турар-жойларида жойлашган филиал кутубхоналар билан уйғун фаолият олиб бормоқда.

Марказнинг китоб фонди 23 038 номдаги 315 511 нусхадан иборат бўлиб, дарсликлар, ўқув қўланмалар, илмий ва бадиий адабиётлар кенг турларини ўз ичига олади. Бу хилма-хиллик ўқув жараёнининг барча босқичлари учун етарли бўлиб, талабалар ва ўқитувчиларнинг турли соҳалардаги илмий эҳтиёжларини қондиради.

Шунингдек, махсус эътибор кўзи оғиз талабалар учун яратилган қулайликларга қаратилган. Брайл ёзувидаги 92 номдаги 267 нусхадagi ўқув адабиётлари, шунингдек, электрон аудиокитоблар ва махсус эшитиш мосламалари билан жиҳозланган компьютерлар билим олиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Бу эса университетнинг инклюзив таълимга бўлган эътиборининг амалий ифодасидир.

Ахборот-ресурс маркази замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган. 166 та компьютер интернетга уланган ҳолда фаолият юритиб, талаба ва олимларга жаҳон миқёсидаги илмий маълумотлар базаларига эркин кириш имконини яратлади.

Бу марказ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг unilibrary.uz ягона электрон кутубхона платформасига муваффақиятли интеграция қилинган. Ушбу платформа орқали фойдаланувчилар электрон китоблар, илмий мақолалар ва бошқа таълимий ресурсларга онлайн кириш имкониятига эга бўлиб, таълим жараёни янада самарали ва замонавий даражага кўтарилди.

Янги кутубхона университет ва вилоят миқёсида таълим ва илм-фан ривожига катта туртки беради. Боиси, замонавий кутубхона ўқув жараёнининг сифатини тубдан яхшилайти, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширади. Бу ерда илмий тадқиқотлар самарадорлиги ошиб, янги инновациялар ва кашфиётлар юзага келишига замин яратилади.

Марказда яратилган шароитлар ёш авлод вакилларини илм-фанга жалб қилиш, уларнинг профессионал даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, махсус эҳтиёжли талабалар учун яратилган имкониятлар таълимдаги тенглик тамойилини мустаҳкамлайди.

Замонавийлик, кенг имкониятлар ва инновацион ёндашувлар нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсда ҳам танилган илмий-тадқиқот масканларига айлантиради. Бу эса ёш олимлар учун катта истиқболлар эшигини очади, мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон майдонида янада обрў-эътибор қозонишига хизмат қилади.

Сардор ХОДЖАНИЯЗОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Урганч давлат университети ректори в. в. б.
педагогика фанлари доктори,
профессор.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳларида ўз фаолиятларини Президентимиз белгилаб берган тамойиллар асосида ташкил қилиш, соҳага жорий қилинган ислохотлар ижросини таъминлаш борасида жиддий изланишлар олиб боришмоқда, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, Андижон давлат тиббиёт институтининг бугунги кундаги фаолиятига назар ташласак, алоҳида эътирофга лойиқ ютуқлар борлигига амин бўламиз.

Бу йил институт клиникаси тўлиқ олий ўқув юртимиз тасарруфига ўтди. Айни кунда клиникада жиҳозлаш ва пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Етти қаватдан иборат бўлган 2000 ўринли янги ўқув биноси клиника ҳудудига жойлашган. Бу талабаларга аудиторияларда олган назарий билимларини амалиёт билан боғлашларида жуда муҳим. Чунки институт клиникаси ва мазкур ўқув биноси ўртасида телемедицина тизими йўлга қўйилган. Клиниканинг ҳудудий жарроҳлик бўлимида амалга оширилган операциялар тўғридан тўғри ўқув хоналарига трансляция қилинади. Талабалар ушбу жараёнда шифокорга ўз саволларини бериш ва унга шун пайтнинг ўзида жавоб олиш имкониятига эга бўлишади.

Ўқув биносининг ҳар бир қаватида 28 тадан хона мавжуд. Барча ўқув хоналарида интерактив доскалар ва замонавий ўқув жиҳозлари ўрнатилган.

Бинода умумий 12 та маъруза зали мавжуд. Бинонинг иккинчи қаватида жаҳон стандартларига мос катта имкониятларга эга бўлган симуляция маркази жойлашган. Симуляция марказидан эса замонавий робот симуляторлари ўрин олган. Бу талабаларнинг олган назарий билимларини амалий таълим билан боғлашларида мустаҳкамлаш имкониятини беради. Учинчи қават стоматология йўналишлари учун мўлжалланган бўлиб, энг замонавий стоматологик асбоб-ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган.

Институтнинг Марказий илмий-текшириш лабораторияси ҳам қуриб битказилди. Ушбу бино 4 қаватдан иборат бўлиб, 400 ўринга мўлжалланган. Бинода 30 та ўқув хонаси, 21 та лаборатория хонаси, 1 та маъруза зали, 28 та кафедра мудири ва ёрдамчи хоналари мавжуд. 1 қаватли виварий бинолари, ташқи ёрдамчи бино ва иншоотларида қурилиш ишлари якун-



ланиш арафасида.

Талабаларни турар-жой билан таъминлаш мақсадида навбатма-навбат янги иморатлар қуриб битказилмоқда. Жорий йилда ҳам давлат-хусусий шерикчилиги асосида 400 ўринга мўлжалланган янги талабалар турар-жойи фойдаланишига топширилади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам якунланаётган йил самарали бўлди. Чунки бу йил АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Хитой, Корея давлатларининг нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий, ўқув, клиник амалиёт масалаларида янги ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, замонавий тиббиёт муассасаларига мос равишда таърибали мутахассисларнинг ҳам сони ортимоқда. Чет давлатларда малака ошириб келаётган профессор-ўқитувчилар, шифокорлар томонидан юқори мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Бу эса халқимиз саломатилигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу каби заҳматли меҳнатларнинг самараси ўлароқ, ўз соҳасининг фидойилари қатор мукофотларга сазовор бўлишди.



1 нафари давир фахрий ёрлиғи, институт профессор-ўқитувчиларининг 40 нафари вилоят ҳокими фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик кафедраси мудирини Қо-бил Худайбердиев II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди, "Йилнинг энг яхши шифокори" танловининг республика босқичида "Йилнинг энг яхши нейрохирурги" номинацияси бўйича 1-уринни эгаллади.

"Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси "KIWE"—2024"да Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси томонидан госпиталь педиатрия кафедраси доценти Жуматой Ханкелдиева олтин медаль билан тақдирланди.

Врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети неонатология кафедраси мудирини, доцент Дилрабохон Эргашбаева эса "Йилнинг энг фаол олимпиада аёли" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Илмий фаолиятда ҳам ютуқларимиз талайгина. Институтда мавжуд 5 та ихтисослашган илмий кенгашлар сони яна 4 тага кўпайиб, бугунги кунда жами 9 та ихтисослашган илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилда институтнинг 6 нафар та-

лабаси Президент ҳамда номдор давлат стипендияларига сазовор бўлишди. "Самарқанд-2020" V халқаро тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари олимпиадасида иштирок этган 20 нафардан зиёд талабаларимиз юқори ўринлар ва турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритиб қайтди.



Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилотининг фаол ёшлари "Йил эътирофи – 2024" тақдирлаш маросимида "Энг фидойи бошланғич ташкилот" номинациясида ғолиб деб топилди. Бу, албатта, ёшлар жамоасининг билимдонлиги ва жамоатчилик ишлари бўйича фаолиятининг натижасидир.

Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш иши (ўзбек, рус ва инглиз тилида), стоматология факультетлари таълим дастурлари Қозоғистон Республикасининг "ЕСАҚА" маркази томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилди. Халқаро аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар марказ томонидан тақдим қилинди. Бу эса институт учун юқори натижа, албатта.

Андижон давлат тиббиёт институтида амалга оширилаётган ибратли ишлардан яна бири халқаро илмий-амалий анжуман-

лар тез-тез ташкил этилаётганлиғидир. Зеро, бундай тадбирлар ўзаро таърибга алмашиш билан бир қаторда талабаларнинг илмий салоҳияти кенгайишида муҳим роль ўйнайди.

Институтда ўтган йили 9-10 ноябрь кунлари ана шундай анжуманлардан бири бўлиб ўтди. Унда Россия, Германия, Озар-



байжон, Ҳиндистон, Непал каби давлатларнинг ҳамда Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳаси етакчи мутахассислари иштирок этади.

"Хирургия ва комбустиологиянинг долзарб муаммолари" мавзусига бағишланган мазкур халқаро илмий-амалий конференция ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, Андижон давлат тиббиёт институти жамоаси таълим-тарбияни бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш учун астойдил изланишти, ҳар қатъ қилди.

Қурилиб турибдики, изланиш бор жойда натижалар қувонарли бўлаверади.

Одинахон ХУСАИНОВА,
Андижон давлат
тиббиёт институтининг
матбуот котиби.



ФИКР

“Кўнгилларга эжарман сўз...”

“Ёшлик” журналининг илк нишонаси — 1982 йил 1-сонида ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) талабаси Абдумажид Азимнинг бир туркум шеърлари Абдулла Орипов оқ йўли билан эълон қилинганди. Мутафаккир шоир битган оқ йўлда шундай жумлалар бор эди: “Абдумажид шеърлари унине келажаккага ишонч билан қарашга асос беради. У сўз қадрини теран ҳис этади, шу сабабдан ҳам сатрлари раван. Ҳозир ҳар кунни ўнлаб, балки юзлаб шеърлар яратилаётган бир пайтда эсда қолеулш бирор шеър ёзиш қийин гап. Чунки шеърятга талаб ҳам унине миқдориға мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Бу ўринда чуқур, оригинал мазмун қатта аҳамиятга эгадир. Абдумажид ижодида юқоридаги талабларга жавоб бераулш ўқтамлик бор. Албатта, адабиётда из қолдириш оқ йўл берган одамга эмас, ижодкорнинг ўзига боғлиқ. Ушбу ҳақиқатни укамиз ҳозирданок бутун масъулият билан англаб олишни тилайман”.

Шоирнинг илк туркуми “Баҳор келганда”, “Тала-балик йиллар куйламоқда бот...”, “Менинг умид билан кўкка чўзган кўлларим...”, “Мен сенинг ёдингдан чикдим. Унутдинг...” деб бошланадиган шеърлардан тусилган эди.

Бунга ҳам орадан қирқ йилдан ошиқ вақт ўтди. Бугун кўлимизда улуг ёшга етган шоирнинг умр сарҳисоби — тўрт томлик шеърлар, таржималари турибди. Баъзи ижодкорлар турли услублар, шаклий изланишлар қилади. Турфа адабий оқимларни мил-

лий тафаккурга пайванд этишга уринади. Қадим оҳанглар, халқона шеърят ва албатта, улуг салафлари юрган йўлга содиқ қолароқ сермахсул ижод қилган Абдумажид Азим кўлида фонус билан пайкал оралаб юрган сувчиға ўхшайди. Экинзорга яқин келган одам сувнинг шилдираши ва фонуснинг хира нурини кўради, холос. Сувчи меҳнати кўпинча бекадр қолади, аммо унинг заҳматидан пайкаллар яшнайди. Абдумажид Азимнинг содда, жайдари, ҳикматга йўғрилган шеърлари замонавий адабиёти-мизнинг муҳташам қасрига қўйилган бир ғишдир.

Жаҳон шеърятининг сара намуналарини ўзбекчага ўгириш орқали адабиётимизни бойитган шоир ижодини уч босқичда тадқиқ этиш ўринли бўлади.

1978-1995 йилларда яратилган шеърларда сямимий туйғулар, беадоқ хайрат, юртга бўлган тийиқсиз муҳаббат, табиат манзараларининг тиниқ тасвирлари устуворлик қилганини сезиш қийин эмас. 1996-2015 йиллар оралигида ёзилган шеърларда инсоний ва илоҳий муҳаббат мавзуси етакчи бўлса, 2016-2022 йилларда шоир ижодида афсус ва ўқинч, болалик соғинчи уфуриб турганини кўриш мумкин. Сўнгги йилларда ёзилган шеърларда эса шоир ўтган асрнинг 90-йиллар руҳиятига қайтгандай туюлади: мурасасиз, ўжар ижодкор сиймоси кўз ўнгингизда гавдаланади.

Кўлига қалам тутган шоирнинг дунё — нафсга гинаси бўлади. “Сўз деҳқони эрур касбим, Кўнгилларга эжарман сўз” дея хайқирган Абдумажид Азим дунёга шундай мурожаат этади:

Алам, ҳасратимни
Тушунгин бу кун,
Не боис фалакка
Исёнлар қилдим.
Юрагимни сенга
Кўрсатмоқ учун
Кўксимни ланг очиб
Қошинга келдим.

Абдумажид Азим сирти сокин, ботини нолакор шоир. Рўёга алдангандек кўринган қалбнинг жунбиша келганини ким ҳам кўрарди? Ижодкор қалбидеги шиддат-у шарора, сўнгсиз саволлар “Диллар биларми?” шеърда яққол кўринади.

Гузарлардан ўтсам урён,
Шиддатим селлар биларми?
Шарҳи дилим этсам баён,
Гунг-соқов диллар биларми?

Кўхна оҳангларда битилган “Ой ўтлар қирда, юлдузлар сувлоқда. Икков сирлашайлик, кунсулув овлоқда” каби сатрлар шоир халқ оғзаки ижодини қанчалар нозик англашини кўрсатади.

Ўтган аср охири — 90-йиллар бошида ўзбек шеърятинда ихтимомий мавзулар етакчилик қилди. Ижоднинг дастлабки даврида халқона оҳанглар устун бўлган Абдумажид Азим ҳам Абдулҳамид Чўлпон бобомизга эргашиб, исёнкор шеърлар битди.

Соқовман, бирор сўз келмайди тилга,
Жанавари бўрман, ўрганмас кўлга,

Кирдимми ноҳаҳон боши берк йўлга,
Хато қисматимни мунча суйибман?

Ёки бўлмаса:

Ҳақсизлик деб аталган бу сиртмоқ бўйнимда,
Ў, бахтсизлик, қондим сени тунлар кўйнимда.

Аслида, бу йўл шоир руҳиятига жуда мос эканини бугун эълон этилаётган шеърлари ҳам тасдиқлайди. Ўша даврда эрк, ҳақиқат, озодликка бўлган интилиш, турмушнинг абгорлиги, машаққатли ҳаёт, ҳақсизлик шоирлар учун асосий мавзу эди. Абдумажид Азимнинг “Фитрат нидоси”, “Мусофир”, “Эрк”, “Уйғон, Туркистон!”, “Нажмиддин Кубро нидоси”, “Рауф Парфига”, “Усмон Носир сўзи” каби шеърлари ўтган аср поёнидаги адабий манзарани яққолроқ тасаввур этишда муҳим ўрин тутди.

Абдумажид Азимнинг лирик қаҳрамони қалбни тафтиш этишни ўзликини англашнинг самарали йўли деб билади. Яссавиёна, Машрабона оҳанглардаги битиклар ана ўша англашга далилдир. Шоир қалбига назар солиб, ўз ҳолини шундай тасвирлайди:

Ёнди узвимдаги ҳар риштаи жон,
Мен хоби гафлдан бўлмадим ихрож.
Зиллу гуноҳимга кўтариб исён,
Лошим тўрт тарафга олиб кетди бош.

Шамолнинг тилида эрка салавот эшитган ижодкорнинг ҳаёт йўли кардиограмма чизикларига ўх-

шайди. Чизикнинг текис ва раволиги — ўлим.

Ҳаёт — бир ялт этиб қақнаган чакмоқ,
Рухимни ўради номаълум ҳислар.
Аналайман, ҳар нафас омонат, шло,
Ўзимни ахтариб ҳақир дил бўзлар.

Ватан ҳақида шеър битган ижодкорлар орасида Абдумажид Азимнинг алоҳида ўрни бор. Шоир Ватанини она, ота, туғилган юрт тимсолида улуғлайди. Шу боис юрт шаънига битган шеърларида сямимият, ҳарорат, изтироб уйғунлашиб кетади. Изтироб, афсус ва аламлар қоришқ оҳанглар, аслида, Ватанга бўлган муҳаббат изҳори.

Олтимшдан ошган ижодкор ҳаётнинг оҳанжамаларига осонликча алданмайди. Қалам ва юрак ҳақ сўзни, рост туйғуларни куйлашни афзал билади. Бу чоғланиш ҳақиқий шеър завқи, ижод сурурини ҳада этади. Сўз сеҳрини туйди соҳир қалам соҳиби. Шу маънода, назаримизда Абдумажид Азимнинг сўнгги йилларда ёзган “Мангу йўловчи”, “Ўхшайман”, “Қаҳратонлар чекиниб, юз очмоқда баҳорлар...”, “Қора”, “Қолдираман эртага мен изларимни...”, “Қодирий нидоси”, “Қисмат”, “Қул”, “Ёлғиз бўри”, “Шоир қисмати” каби ўнлаб шеърлари халқчил адабиётнинг сара намуналари қаторидан жой олишга ҳақиқи дейиш мумкин.

Олим ТОШБОВЕВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



Номинг доврүклидир бутун дунёга,
Сенга ҳавасдадир дўст-қардошларинг.
Тилагим, қафлларим очдим дуога,
Асло эпилмасин мағрур бошларинг.

ЙЎЛЛАРИМГА ҚАРАГАНЛАР

Соғинчларим айтай сизга ич-ичимдан,
Кўз тешилиб йўлларимга қараганлар.
Шамолларга айланайин мен шу зумда —
Жовдирашиб мени мендан сўраганлар.

Шамол бўлай ўнгингизда, сўлингизда,
Сиз гашланиб: “Бўзди деманг бу тинчимни”.
Илтимосим, тангу тор бу кўнглингиздан,
Жой сўрасам, увол этманг ўтинчимини.

Ўқинмасан кўнглингизда бўлмаса жой,
Омон бўлинг,
Йўлингизни берсин Худо.
Ғийбат қилиб юзларимга чаппаманг лой,
Танимайин, кўрмай туриб мени ҳатто!

Қўйинг мени ўз ҳолимга, ёлвораман,
Баҳорларнинг ифориға қониб тўяй.
Қизгалдоқлар ҳузурига мен бораман,
Адирларни алвон-алвон рангга бўяй.

Чеҳрайи ранг хазон янглиғ заъфарондир,
Ўтаялман бу кечани кеча-кеча.
Сиз билмайсиз,
Юрак-бағрим тўла қондир,
Тамом қилдим қонларимни ича-ича.

Ажабланма аҳволимга рўйи-олам,
Шамолдирман, бу йўлларда ўжар, саркаш.
Ерга сигмас, кўкка сигмас чеккан нолам,
Дардларимга топилмайди бирон дардкаш.

Агар бир кун қиёматга қолса дийдор,
Мени мендан сўраганлар бўлманг дилтанг.
Осон эмас бир кечада ўлиш минг бор,
Йўлларимга қараганлар мени кутманг...

Абдумажид АЗИМ

ШЕЪРИЯТ

Алпомиш келбатли ботирсан, ВАТАН!

ЎЗБЕК

Қизлар малика, йигитлари бек,
Ўзлари ерда-ю, ғурурлари осмон!
Таниб қўй,
Бу халқнинг номидир ўзбек,
Бу тоғу даштларни дейди Туркистон!

Бахши, ҳофизлари чечан, ўтнафас,
Улар куйлаганда булбуллар тинар.
Ўзбекка тўйлашни ўргатмагин, бас,
Исрофгар десанг гар, кўнглиг оғинар.

Тилини суйгани жонидан суяр,
Сахийфеъл ва ҳақўй, содда, тўпори.
Энг тансиқ таомин кўноққа кўяр,
Ҳиммату саховат ўзбекнинг бори.

Қай бир қавмларга оила-рўзгор юк,
Ёқтирар боламас, кучуқ боқишини.
Болам деб, жонини беради ўзбек,
Болам деб яшайди ўзбек яшаса.

Сабру қаноати боболардан мерос,
Борига шуқр этиб, кўнади йўққа.
Ақлу заковатда бўлсанг-да мумтоз,
Ўзингча осмондан келма ўзбекка.

Уддалабсан осон яшашни, қойил,
Ўзбекка ўргатма қандай яшашин.
Жаҳонда биттадир ўзбек деган эл,
Қидириб овора бўлма ўхшашин!

ЖУМА ДЕВОНА

Элбоёнда тарқалди миш-миш:
“Ойга ошиқ Жума девона,
кечалари томда юармиш,
ой ишқида ёниб урёна”.

Энасига айтади сирин,
учрашганин ой билан сойда:
“Эна, ойни менга оберинг,
тўй қилайлик келаси ойда”.

Энасига айтар дил ёзиб,
кеча ойдан олганин бўса:
“Фақат ойдир менга муносиб,
юрагини ёндирган ўша”.

Эна эса бир сўз дейлмас,
ич-ичидан қовурилади.
Қидиради зир югуриб қиз,
калишлари едирилади.

Боряпти ёши ҳам қирққа,
болалар-ла ўйнайди чиллак.
Қизлар тегмас телба ошиққа,
ўсмирларга Жумабой эрмак.

Атайлабдан отишади гап,
девонага кувгина қизлар.
Энасини қўймайди тезлаб:
“Қачон совчи жўнатасизлар?”

Эна эса кўксини ушлар,
кадалгандай заҳарли бир ўқ.
Жума тентак гўдақдай йиглар:
“Ойдан ўзга, эна, тенгим йўқ”.

Элбоёнда тарқалди миш-миш:
“Томдан учиб кетганимш Жума,
осмонларда сузиб юармиш,
юрагини қилиб у кема”.

АЁЛ УХЛАЯПТИ

Аёл ухляпти, уйқуларда у,
Сочлари жамалак бир қизни кўрар,
Толларга ястанган адирларда у
Найсонга чўмилиб, қизгалдоқ терар...
Эслар ўн сақизда келин бўлиб у,
Отасин йиглатиб кетганларини.
Мусофир шаҳарда соғинчга тўлиб,
Онасига хатлар битганларини.

Аёл ухляпти чарчаган, толгин,
Кулар тушларида майин, беозор.
Қовоғи салқиган, юзлари сўлгин,
Митти елкасида
Қирқ йиллик рўзгор.
Фарзандларга она, эрига бекач,
Ховли, қозон-товоқ — эртаю оқшом.
Бола-чақам дея яшай бошлагач,
Ўзи-чун яшашни унутган тамом.

Қирқ йилки, ўзини ўт-чўққа уриб,
Изгирин шамоллар юзларин қақган.
Рўзгорнинг не иссиқ-совуғин қўриб,
Ўчоғидан қириб, қулидан чиққан.

Бир қарасанг чўри,
Бир қарасанг она,
Ўзбек аёллари ҳаммаси ўхшаш.
Кераммас уларга қасру қошона,
Оила тинч бўлса бас,
Шу-да, бир яшаш!

Аёл ухляпти, уйқуларда у,
Балки кўраётир қизлик чоғларин.

Эрка болаликни — шодон, беқайғу,
Кўкларга ўрлаган Бойсун тоғларин.
Кетмас кўз ўнгидан дашту далалар,
Мактаб саҳнасида у куйлар ҳамон.
Жажжи кўғирчоққа айтиб аллалар,
Қувар қалақани қийқириб шодон!

ҲАЙВОНОТ БОГИДА

Ҳайвонот боғида ажиб манзара,
Оху ва бўрилар ашар ёнма-ён.
Битта том остида қийиқ, тасқара,
Тулқининг жигига тегади қуён.

Ҳайвонлар шоҳининг феълйи ғалати,
Шернинг шерлигида қолмабди урвоқ.
Филнинг филлигидан қуруқ савлати,
Йулбарслар мушук-ла тутинган ўртоқ.

Ҳайвонот боғида қушлар тутқунда,
Бургутлар ҳақкага масқара экан.
Лочинлик сиёғи ётдир лочинга,
Уйқучи бойўғли пинакка кетган.

Бир сўзни қайтарар тўтилар сайроқ,
Чийиллар қафасда шаллақи сиртлон.
Йўл-йўлли зебралар зеркииб узоқ,
Даштларни соғинар олис, бепоён.

Эшаклар ҳанграшиб отади ханда,
Жирафа бўйини чўзади кўкка.
Шохларда имиллаб ўрмалар Панда,
Кенгуру қафасда тушади чўкка.

Кўлмақдан бошини кўтариб гоҳ-гоҳ
Атрофга совуққон боқади тимсоҳ.
Ҳаммага ҳуснини қилганча кўз-кўз,
Ўзин минг оҳангга солади товус.

Маймун писта қақар, қуриб чордона,
Худдики дунёда ундан доно йўқ.
Туяқуш қушлигин қилар баҳона,
Ортамиз дейишса, елкасига юк.

Уч юз йил яшаган тошбақа хумлар,
Тош коса ичидан оламга бўйлар,
Дунё ишларидан буткул беҳабар,
Охурдан бошини кўтармас кўйлар.

ЎЗБЕКИСТОН

Ватан, Хоразмда ўсган бир гужум,
Олис аждоқлардан хотирсан, Ватан,
Ватан, отам каби камтар, камсуқум,
Алпомиш келбатли ботирсан, Ватан!

Бу ёғи Андижон, у ёғи Ўстюрт,
Элим бир-бирига узаниб йўлдош.



ман, — деди у синовчан нигоҳ ташлаб.
— Илтимос, бир оз қўшинг, — Марҳабонинг овози титраб чикди.

Иккови келишди. Пулни олиб, уйига қайтаётган Марҳабонинг юрағида бўшлиқ пайдо бўлди. Гўё ҳаётининг бир бўлагини сотгандек, кўнгли хижил эди. Ўша кеча Марҳабо узоқ вақт ухлай олмади. Кечаси эса эри тушига кирди. Ҳайдар унга узоқдан қараб турганмиш. Юзида норозилик аломати акс этиб турганмиш.

“Узукни нега сотдинг?” дебди Ҳайдар.
“Йўқ, йўқ, сотганим йўқ...” деб ўзини оқлашга уринарди у.
“Алдаб нима қиласан? Мен сендан уни асрашингни сўра-

УЗУК

(Ҳикоя)

гандим. Узук муҳаббатимиз рамзи эди-ку!” У шундай деди-ю, юзини терс буриб, ғойиб бўлди. Марҳабо чўчиб уйғониб кетди. Қўлини пайпаслади. Узуги йўқ! Юраги тез-тез урар, пешонасидан совуқ тер оқарди. Ўтириб, нафасини ростлади. Қўлоғида эрининг гаплари хануз янграб турарди.

— Астағфируллоҳ!.. Астағфируллоҳ!.. — дея пичирлади аёл. — Бошқа чорам йўқ эди, мени кечиринг.

Эртаси кун эса тонг саҳарда қаттиқ тарақлаган овоздан уйғонди. Бир зум нима бўлганини англай олмай турди. Қараса, девордаги сурат ерда этибди. Ҳайдарнинг руҳи кезиб юргандек сесканиб кетди. Суратни эҳтиёткорлик билан олиб, чангини артди. Деворга осиб, узоқ тикилди. “Эримнинг руҳи безовта бўлгандир...” деб кўнглидан ўтказди. Ойнасининг бир бурчагидан узунасига тушган кичик ёриқдан Ҳайдар унга қараб тургандек туюлди.

— Арвоҳлар ҳақида айтилган гаплар рост экан-да... — деди пичирлаб. — Узукни бугуноқ бориб қайтариб оламан! Нонушта қилишдан олдин икки қалима Қуръон ўқиб, эрининг руҳига бағишлади. Сўнг апил-тапил қийинди-да, кечани

пулни олиб, ўша аёлниқига жўнади.
— Илтимос, узугимни қайтаринг, — деди кўзлари намланаиб.

— Бу узукнинг қандайдир сири борми? — сўради тижоратчи аёл ҳайратомуз оҳанда, ниманидир яшираётгандек.
— У марҳум эримдан қолган ёдгорлик эди. Икки кечадан буён тушимда мендан узукни сўраяпти.

Тижоратчи аёлнинг юзидан ранг қочди. Бир лаҳза лол бўлиб турди. Аммо ичидеги қўркувни сиртига чиқармади. Уям тонггача кўз юммаганди. Сабаби, ётишидан олдин узукни шунчаки қўлига тақиб кўрганди. Ечиш ёдидан кўтарилиб, ухлаб қолибди. Тушида унга юзи аниқ бўлмаган, кўзлари ғамгин кимса қараб турганини кўрди. Кейин совуқ қўли билан узукни бармоғидан сугураётгандек бўлди. Қўрқувдан уйғониб кетди. Шу бўйи уйқуси қониб, эрталабгача ўтириб чиққан эди.

— Мана, олинг, — деди у шоша-пиша ичкаридан узукни олиб чиқиб. — Менга керак эмас!

Марҳабо суюниб кетганидан узукни бағрига босди ва дарҳол тақиб олди.

— Раҳмат сизга, — деди кўзи ёшланиб.
Ўша кеча Марҳабо тиникиб ухлади. Эри қайтиб тушига қирмади. Фақат елкасидан майин сабо силаб утгандек бўлди. Шу илиқликдан уйғонди. Тонг отган, деразадан нур тушиб турарди. Узукни қуёшга тутиб, бармоғига қаради. Узук аввалгидан-да яриқараб турарди...

Саодат МУСАЕВА

✓ МУТОЛАА

Бағрикентг адибнинг ноёб китоби

Ўтди даврон, кетди карвон,
Энди карвонлар қайдаир?
(Кўшиқсан)

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ўйласам, қалбим энтикиб-энтикиб, нурли ҳисларга тўлиб, гувангандан-гувраниб кетади. Бундай бахтли тақдир ўзбек адабиёти саҳифаларида камдан-кам учрайди. Она Ўзбекистонда асрий орзулар рўёбга чиқиб, истиқлол кўлга киритилганда севимли адибимиз 72 ёшда эди. Ҳаётнинг аччиқ меваларини роса тотиб кўрган, Жезқозгон лагерларида хавфли маҳбус сифатида азобларга гирифтор этилган адибнинг ўзи узоқ умр кўришига сира-сира ишонмас эди.

Аллоҳнинг қарами кенг экан: “Халқ душ-мани” сифатида 25 йилга қамалган ва Россияга сургун қилинган, симли тиконлар ортида не-не азобларга гирифтор бўлган адибга 87 йил умр берди. Бу умр ҳам адабиётимиз тарихида ноёб воқеалардан. Истиқлол бахтига эришган ёзувчи ёшлардек яна енг шимариб ижодга берилди. Истиқлол куёшидан юраги нурланган адиб қувноқ, жўшқин ҳажвиялар, дилбар пирик ҳикоялар яратди. “Хандон писта”, “Бир ўпич-нинг баҳоси” ва “Йўқотганларим ва топганларим” каби китоблари, янги сайланма асарлари чоп этилди. Айниқса, “Йўқотганларим ва топганларим” эссе-хотиралар китоби ўзбек адабиёти тарихида ноёб асар бўлди.

Она Ўзбекистон Саид Аҳмадни эъзозлади. У тўлиб-тошиб ижод қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Қаранг, Яратганининг айтгани бўлар экан-да. Қаттол собиқ Иттифоқ тузуми, 53-йиллардаги қатагон уни ва улар каби неча юзлаб миллатимиз зиёлиларини йўқ қилиб ташламоқчи бўлди. Узоқ йиллик қамоққа ташлади. Лекин илоҳий тақдир уни асради.

Агар адабиётимиз тарихига назар ташласак, Саид Аҳмаддек кўнгли кенг ва саҳий ижодкорни учрата олмайми? У зот чинакамга жон-тан билан “Маҳолис ун-нафоис” эди. “Йўқотганларим ва топганларим”ни варақлар эканмиз, фикримизга қўшилмасиз. Унда 16 нафар ёзувчи ва шoirнинг ҳаёти ҳақида гоят теран ва теша тегмаган хотиралар берилган. Мазкур хотиралар китоби ҳақида ўйларкансиз, ҳаёлингизга адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг мана бу фикрлари келади: “Йўқотганларим ва топганларим” туридаги китобни фақат Саид Аҳмадгина ёзиши мумкин эди. Бу китоб адабиётимизнинг машъум тоталитар режим замонлари босиб ўтган машаққатли ва зиддиятли йўли, адибларимиз қандай огир шароит ва вазиятларда яшаб ижод этгани, ушундай замонларда ҳам асл инсоний фазилатларни сақлаб қолгани, ноёб бадий дурдоналар яратишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасав-вур беради”.



Китоб устоз, академик шоир Ғафур Ғулом ҳақидаги “Назм чоррахасидан репортаж” умумий сарлавҳали хотиралар билан бошланади. Шу ерда китобнинг бадий киймати янада оширган нуктадонликни айтсак. Унда ҳар бири адабиётимиз тарихида шов-шувли воқеа бўлган “Йигитлар”, “Вақт”, “Бахт тоғотари”, “Хотин”, “Сиёҳдон”, “Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим” шеърларининг туғилиши ва ёзилиш тарихи ва ҳатто ёзилиш жараёнлари ҳаққоний ёритилган.

Ғафур ака ёзишдан тинмасди. Ҳамманинг озғига тушган “Кўкан”дан кейин “Икки васиқа”, “Тўй” деган дostonларни яратди. Адабиёт иш-кибозлари бу дostonларнинг мағзини қақиб улгурмаёк, Ғафур Ғулом ўнлаб ҳикоя, очерк, фельетонлар эди. Ўттиз олтинчи йилга келиб, у бирдан иккита катта қиссани эълон қилди. Бири “Ёдгор”, яна бири машҳур “Шум бола”.

“Гулистон” журнали “Ёдгор”ни боса бош-лади, “Муштум” аса бутун йил бўли “Шум бо-ла”нинг саргузаштларини чоп этди.

“Йўқотганларим ва топганларим”ни варақ-лар экансиз, Ғафур Ғулом жафокаш, ҳеч қачон нолишни билмаган хотинига атаб бир дунё шеърлар битганидан воқиф бўласиз. Бу шеър-лар шoirнинг ич-ичидан қўшиқдек отилиб чиқ-қан мисралар эди.

**Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан,
Сенинг мақтовингни куйлайин, қозоғ!
Дўстим Мухаррамга ошқ кўз билан
Бир умр термудим, икковинг мумтоз.**

Шoirнинг қизи Олмос қаттиқ бетоб. Москва

касалхонасида кўкка кўз тикиб ётибди. Ёнида онаси. У мижжа қоқмай тонглارни оттиради. Ғафур Ғулом роса изтиробда. У озиб, юзида ажинлар кўпайиб қолган. “Москва унга бир қа-дам”.

Китобнинг 91-саҳифасидан “Елкасини қақи-қат силаган ижодкор” сарлавҳали хотиралар бошланади. 56 саҳифадан иборат бу хотира-эсселар Саид Аҳмаднинг севимли устози Аб-дулла Қаҳҳорга бағишланган. Ўқиркансиз, кўз олдингизда ўта-ўта қақиқатгўй, адабиётнинг, сўзининг кучи атомдан зўрлигини амалда ҳам исботлаган бадий сўз устасини кўрасиз.

Илк ҳикояси “Тортиқ” билан Саид Аҳмад Аб-дулла Қаҳҳордан “тарсаки” еган ёзувчи. Шун-дай бўлса ҳам у Абдулла Қаҳҳорни маҳкам қўймасди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир сатри муътабар дарслик бўлганини китобда меҳр би-лан қайта-қайта таъкидлайди. “Абдулла ака ўша кезларда гўзал ҳикоялар ёзарди. Ўқиб қой-ил қолардим. Қандоқ қилсам ўшанақа ҳикоя ёзаман, деб ўйлардим. Чеховнинг ҳамма ки-тобларини йиғиб келдим. Ҳижжалаб ўқидим, барибир ҳеч нарсаса тушунмадим. Русча бил-магандан кейин нимасига ҳам тушунардим”.

“Тортиқ” ҳикоялар тўпламида Абдулла Қаҳ-қор Саид Аҳмадни патлари тўзиган қўшдай қилиб, кўзларига дунёни қо-қора қилиб таш-лайди. Ана шундай ёзувчи 1962 йил “Уфқ” ро-манига бағишланган “Илҳом ва маҳорат сама-раси” мақоласи билан уни сийлайди. “Бу соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқланган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири”, дея романни бошқа ёзувчиларга кўз-кўз қилади.

Саид Аҳмад бир умр устози Абдулла Қаҳҳор билан ҳамқадам, ҳамроҳ бўлди. Учрашувларга бирга борди. 1979 йилдан то умрининг охири-гача кишин-ёзин Абдулла Қаҳҳорнинг Дўрмон-даги боғ-ховлисида танҳоликда кечирган ҳаёти фаройиб жумбоқдир.

Асардаги “Дилбар шoir эди” сарлавҳали эссе оташин шoir Мақсуд Шайхзодага бағиш-ланган. Унда гоят қизиқарли воқеалар фақат Саид Аҳмад қаламига хос услубда қаламга олинади. Мақсуд Шайхзода — озарбайжон халқининг фарзанди эди. У вақтида бир ар-зимас воқеа туфайли Тошкентга сургун қили-нади. Ўша вақтда Ўзбекистон раҳбари бўлган Усмон Юсупов “Мақсуд Шайхзода халқ душ-мани, миллатчи эмас” дея қамоқдан чиқарган. Қамоқдан озод бўлган Мақсуд Шайхзода бағри кенг ўзбек халқини ташлаб кетолмади.

Узоқ йиллар давомида Тошкент давлат пе-дагогика институтида ўқитувчилик қилди. У Ой-бек ва Ғафур Ғуломнинг қадрдон дўсти эди.

Ўзбек адабиётида шoir Миртемир ало-ҳида из қолдирган. У устози Ойбекка ўхшаб кўп ишонувчан, содда, чув тушириш осон одам эди. У содда бўлса-да, партиядан кўнгли кўп эди. Миртемир домла қамалиб, “Москва — Волга” канали қурилишида Берия қамчиси остида ишлаб қайтгандан кейин ҳам рўшнолик кўрмади, косаси оқармади.

“Йўқотганларим ва топганларим”даги шoir

Шўхрат ҳақидаги эссе ҳам дардчил ёзилган. Бу хотираларга ёзувчи “Уч мунгли қўшиқ” дея сар-лавҳа қўйган. Шўхрат машҳур “Шинелли йил-лар” романини тугатиш арафасида шахсга си-ғиниш офатига учради. Тиканли симлар ор-тида сабот ва матонат билан кун кечирди. Беш йиллик хўрликлардан сўнг, она Ўзбекистонга қайтди.

“Шинелли йиллар” тугаб, китобхон кўлига тегди. Роман рус тилида 100 минг нусхада бо-сиб чиқарилди. Оғир ва машаққатли меҳнат тантана қилди.

Ўзбек адабиётининг нодир саҳифаларига назар ташлар экансиз, бахтиёр оилавий жуфт-ликларнинг ҳаёт йўли, тақдир матонатига қой-ил қоласиз. Зулфиянинг сози бахт таранну-мини тўлиб-тошиб куйлаётганда “ўлим хан-жари” бир умр бахтсизликка айлантирди. Оташин шоира 35 ёшида ҳаётдан жудо бўлган Ҳамид Олимжон ишқида ўтти мисралар битди. Улкан қалб соҳибаси, зукко олима Зарифахо-нин Саидносирова нодир истеъдод эгаси Ой-бек билан ҳаммаша бирга бўлди. Инжиқликла-рини бардош билан кўтарди. Ёзувчи тилдан қо-либ, кўли қалам тутолмай қолган пайтлари умр йўлдошига ҳам тил, ҳам қалам бўлди — пичи-рлаб айтмоқчи бўлган фикрларини қозоғга ту-ширди. Вафотидан кейин эса жасорат билан “Менинг Ойбегим” китобини ёзди.

Машҳур Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романини ўзбек тилига маҳорат билан тар-жима қилган Кибриёхоним Қаҳҳорова эса ол-мос истеъдодли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан матонат ила яшади. Ёзувчининг Москвадаги огир хасталик давларида доимо тепасида турди. Вафотидан кейин эса “Чорак аср ҳамна-фас” хотиралар китобини битди.

Улкан қалб эгаси бўлган Саид Аҳмад умр йўлдошидан ёлчиган эди. У “йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўл-ларида бирга ҳамроҳ бўлди”. Саид Аҳмад но-ҳақ қамалган йилларда уни матонат билан кўтди. Эри қамоқдалик даврида шоира Саида Зуннунованинг бошига ҳам огир кўргиликлар тушди. Унга “сен хоин эрингдан кечасан!” де-ган зулмли таъкиблар бўлди. Аммо шоира са-доқат бобида тенгсиз эди. Бунинг учун унга иш беришмади, ёзган шеър ва ҳикоялари ҳам “Қа-тагон”га учради.

Шoира секин, худди шивирлагандек шеър ўқийди. Шеър Саид Аҳмадга бағишланганди:

**Эшик туркишидан бир чизиқ ёниб,
Офтоб бўлиб қириб ёритар хонам.
Машиканг чиқиллар, тўхтайдй баъзан,
Биламан, чекялсан, чекялсан улаб.
Кошки очиб кўйса деб деразани,
Ханроқ чекса-чи, деб бўламан уноб.
Хонанги тутундан поклаш дардида
Бедор ўтираман сендан нарида.**

Мазкур китобдаги “Шoirанинг феруза олами” хотираларини мутолаа қиларкансиз, дийдангиз бардош беролмай, беихтиёр кўзин-



гизга ёш келади.

Ҳа, қаҳрамон ёзувчининг дунёси кенг, кўнгли ойдай очиқ инсон эди. Адабиётга ҳақиқий та-лант билан кириб келган истеъдод эгасини эъ-озлаб, унинг номини юксакларга кўтарар эди. Ҳамюртимиз Тоғай Муроднинг адабиётга тош-қин селдай кириб келиши унга шундай қувонч-лар ҳада этди. Отахон ёзувчи “Тоғай Мурод кў-шиқлари” деган қўшиқда эссе ёзди. Бу ҳақда Тоғай Мурод ундан бир олам миннатдор бўлиб берган интервьюсида шундай деб эслайди: “Ҳурматли ёзувчимиз Саид Аҳмад бир кито-бингизга ёзган сўзбошида “Тоғай Мурод ада-биётга тугаб эмас, ёниб кирди”, деб ёзди. Сиз ушбу баҳони қанақа қабул қилдингиз?” деган саволга шундай жавоб қилди: “Мен бу гапни Саид Аҳмадонга мардлик ва ҳалоллик деб қа-бул қилдим. У “Тоғай Мурод ўзбек тилини куй-латди. Ўзбек тилининг жами жилваларини оф-тобга солиб кўрсатди”, деб ёзди. Ҳар бир аса-римни ҳалоллик билан кўз-кўз этиб, улуғлади. Саид Аҳмад ана шу ҳалоллиги, ана шу мард-лиги учун, мана, тўқсон ёшни қоралаб бо-ряпти”.

Хуллас, “Йўқотганларим ва топганларим” жуда ажойиб, жуда гўзал китоб. Ундаги Тошпў-лат Ҳамид, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Мақсуд Қориев каби шoir ва ёзувчилар ҳақи-даги эссе ва очерклар ҳам фақат Саид Аҳма-дона иқтидор билан ёзилган.

Сўзимизни мухтасарлайдиган бўлсак, тили-мизда “Отахон” деган чиройли бир лутф бор. Бу ажойиб лутф феъли қаҳрамон, меҳнати ва ижоди мардона ёзувчи Саид Аҳмадга жуда-жуда ярашиқли эди. Китоб мутолаасини қиз-гин бир руҳда ўқиб тугатаркансиз, ёзувчининг устозларга гоят меҳрибонлиги, ёш ёзувчи ва шoirларга чин дилдан оталардек бағри кенг-лигига қойил қоласиз. Кўнглингиз кўп вақтлар ёқимли баҳор ҳавосидан тўйингандай бўлади.

Тоштемир ТУРДНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Денов туман маънавият ва
маърифат бўлими раҳбари.

✓ ТАЪЛИМ

ЯНГИ ИМКОНияТЛАР Сари ДАДИЛ ҚАДАМ

Фаргона давлат техника университети талабалари Жанубий Кореяда бўлиб қайтди

2025 йил менинг ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Чунки мен илк бор Жанубий Кореяга бориш бахтига муяссар бўлдим. Бу сафар менинг ҳаётимда янги бурилиш нуқтаси бўлди. Фаргона давлат техника университети талабаси сифатида 40 нафар иқтидорли тенгдошларим билан Жанубий Кореяга бордик. Бизнинг сафаримиз нафақат илмий-амалий мақсадларни, балки ҳаётий сабоқларни ҳам ўзида мужассам этди. Улсан университетидаги ёзги мактаб биз учун билим, маданият ва янги имкониятлар эшигини очди.

Мен ўша кунларда бир нарсани чуқур ҳис қилдим: орзу қилган одам учун дунёда ҳеч нарсга имконсиз эмас экан. Кореяда ўтказган беш кун ҳаётимдаги энг ёрқин саҳифага ай-ланди. Чунки янги билимлар, янги дўстлар ва энг муҳими, ўзимга бўлган ишончм куч-кайди. Бу сафардан фақат мен эмас, барча тенгдошларим ҳам қувончли хотиралар би-лан қайтишди. Ҳаммамизнинг кўзимизда бир хил қачнаш — келажакка ишонч, Вата-нимиз учун хизмат қилишга бўлган иштиёқ ортди.

Шу йил март ойларида Жанубий Корея-нинг Улсан метрополитен шаҳри мэри Ким Ду Гём бошчилигидаги делегация Фарго-нага, жумладан, Фаргона давлат техника университетига таширф буюрган эди. Ана шу таширф натижасида университетимиз-



нинг иқтидорли талабаларидан ташкил то-пган жамоа Улсан университети томонидан ажратилган грант асосида ёзги мактабда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Мен ҳам ана шу омадли талабалар сафида эдим.

Сафаримиз аввалида бизни шахсан Ул-сан метрополитен мэри Ким Ду Гём кутиб олди ва самимий суҳбат қурди. Ёзги мак-таб давомида эса дунё микёсида машҳур “Hyundai”, “ЗССА” ва бошқа йирик компа-ниялар, шунингдек, Улсан университетининг замонавий лабораториялари, инновацион технологиялари ва таълим жараёнлари би-лан яқиндан танишдик.

Бу сафар қалбимда унутилмас хотиралар ва янги мақсадлар сари интилиш ҳиссини янада оширди. Энди мен билимимни янада

ошириш, хорижий тилларни мукаммал ўр-ганиш ва халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этишни ҳаётий вазифам деб ҳисоблайман.

Бу каби дастурлар нафақат Ўзбекистон ва Корея алоқаларини мустаҳкамлаш, балки биз каби ёшлар учун янги имкониятлар эши-гини очмоқда. Шу боис тенгдошларимга ҳам стартап-лойиҳаларда, халқаро дастурларда фаол иштирок этишни тавсия қиламан. “Им-коният берилганда, уни чексиз куч ва фи-дoилик билан оқлаш керак!” Ҳа, ўзим каби тенгдошларимга шуни айтмоқчиманки, орзу қилишдан тўхтаман! Чунки орзу қилган ин-соннинг йўли доим очиқ бўлади.

Мохинур РЎЗИЕВА,
Фаргона давлат техника университети
3-босқич талабаси.

✓ СОЧМАЛАР

Алдаган кўраверади...

Ёлғон билан бошланган иш ростдан битмайди.

Алдаган кўраверади, алданган билаверади.

Ёлғонни ямламай ютадиганлар бир кун келиб, бир чимдим ҳақиқатга тикилиб ўладилар.

Ширин ёлғонга ўрганган қулоқлар ростни нафақат ач-чиқ, балки душман деб билишади.

Жавоби қийин савол: унта одамдан тўққизтаси алдаб турса, ўинчисига ишониш мумкинми?

Шўхрат РЎЗИЕВ,
журналист

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

**2026 йил учун
обуна давом этмоқда.
“Hurriyat”га албатта
обуна бўласиз деб
ишонамиз. Чунки ҳур
фикр, эркин мушоҳада
минбари бўлган энг
яқин дўстингиз —
“Hurriyat” дир!**



Обуна индекси: 233

Hurriyat
Mustaqil gazeti



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 4 189
Буюртма — Г-1044

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов. Мусаҳҳиҳ: Зухро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.